

Илм ўлчови —
ақл,
Зеҳн ўлчови —
нақл.

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 16-iyun, chorshanba № 47 (8280) ISSN 2010-6416

ИЛМИЙ ФАОЛИЯТГА ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИ


Тошкент ахборот технологиялари университетида битирувчи-магистрантларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Бугунги кунда университетдаги 4та факультетда магистратура бўлими мавжуд бўлиб, бу ерда магистрантларнинг замон талаблари асосида билим олиши ва илмий фаолият олиб бориши учун барча имкониятлар яратилган.

Айни пайтда катта фондга эга бўлган ахборот-ресурс маркази, виртуал лаборатория ва маъруза матнлари билан бойитилган электрон кутубхона магистрантлар хизматида. Шунингдек, талаба-ёшлар ўз билимларини ошириш мақсадида Интернет тизимидан ҳам кенг фойдаланишлари мумкин. Университет магистрантлари хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртларида ўз мутахассислиги бўйича малака ошириш имкониятига ҳам эга.

Суратда: битирувчи-магистрантларга диплом топшириш тадбиридан лавҳа акс этган.

Аскар ЁҚУБОВ (ЎЗА)
олган сурат.



«ОЙДИН ЙЎЛ»ГА ЙЎЛ ОЛГАН БОЛАЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Ойдин йўл» ёзги оромгоҳи болажонлар билан гавжум.


Мазкур соғломлаштириш масканида мавсумнинг дастлабки босқичида 120 нафар ўғил-қиз мароқли дам олмоқда. Уларнинг 30 нафари Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари дир.

Оромгоҳда болаларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказиши, саломатлигини мустаҳкамлаб, ҳордик чиқариши учун барча шароит яратилган. Футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, гимнастика, стол тенниси тўғрақлари, ахборот-ресурс маркази ташкил этилган.

Бу ерда болаларнинг ёзги дам олишини юқори савияда ташкил этиш учун қизиқарли маданий-маърифий ҳамда кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Суратларда: «Ойдин йўл» ёзги оромгоҳидан лавҳалар.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

МАКТАБ
МУВАФФАҚИЯТИ
МЕЗОНЛАРИ

3-бет

ИЖОД
ГУНЧАЛАРИ
ГУЛПАГАН ФАСЛ

5-бет

ВАТАННИ
ШУНЧАКИ СЕВИБ
БЎЛМАЙДИ

7-бет

КИТОБХОНЛИК
КЕЧАЛАРИ

У қандай ташкил этилади?

8-9-бетлар

ДЎСТ БОШГА КУЛФАТ ТУШГАНДА БИЛИНАДИ

Сўнги кунларда Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида босқинчи тўдалар томонидан содир этилган хунрезлик, қотиллик, зўравонлик, қиргин, ўт қўйиш каби қабих ишлар ҳар қандай кишининг қаҳр-газабини кўзгайди. Бундай вазиятда лоқайд бўлиш, бефарқ қараб туриш асло мумкин эмас. Бу офатдан жабр кўрган Қирғизистоннинг фуқароси бўлган ўзбек миллатига мансуб минглаб кишилар Ўзбекистондан ёрдам сўраб келди.

Анджон вилоятининг Қирғизистон билан чегарадош туманларида жабрдийдаларга ёрдам кўрсатадиган лагерлар ташкил этилди. Мамлакатимизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан жабрланганларга ёрдам кўрсатилмоқда, айниқса, аёллар ва болаларга зарур шарт-шароит яратилаётир.

ЎЗА мухбири мазкур туманларда бўлиб, қирғизистонлик қочқинлар, шунингдек, маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди.

— Биз Ўзбекистон халқи ва Президентидан жуда миннатдоримиз, — дейди ўшлик Насиба Мамиржонова. — Ўш шаҳрида тинч аҳолига, хусусан биз, ўзбек миллатига мансуб кишиларга қатилган қотиллик ва хунрезликлардан қалбимиз қаттиқ жароҳатланди. Кўз олдинда уйингга ўт қўйилса, қондошларинг отиб ташланса, жуда оғир бўлар экан.

— Дўст кулфатда билинади, деган пурмаъно мақол бор. Бошимизга мусибат тушганида бизга бағрини очган, дардимизга шерик бўлган Ўзбекистон халқидан беҳад миннатдоримиз, — дейди жалолободлик Муҳаббат Зоитова. — Бу ерда шифокорлар соғлиғимизни назорат қилиб турибди. Озиқ-овқат, кийим-кечак — барча зарур нарсалар етарли. Маҳалла фаоллари, оддий одамларнинг ҳолимиздан хабар олиб тургани бизга далда бўлмоқда. Осуда ҳаётимизга раҳна солган, қотиллик, хунрезликларни уюштирганлар тез кунларда ўз жазосини олади, деган умиддамиз.

— Ўшда содир бўлган қирғинбаротлардан сўнг тинчликнинг қадрини янада чуқурроқ тушуниб етдик. Уйларнинг ёнаётгани, тинч аҳолига нисбатан ваҳшийликлар, болаларнинг кўзидаги кўркүв барчамизни даҳшатга солди. Ана шундай оғир кунда бизга Ўзбекистон катта ёрдам бераётгани бу мамлакатда инсонпарварлик тамойиллари устуворлигини яна бир бор кўрсатади, — дейди 82 ёшли отахон Раимжон Алижонов.

— Бундай кунларни душманамизга ҳам раво кўрмаймиз, — дейди аравонлик Ражабали Мирзааҳмедов. — Ўзбек-қирғиз азалдан бир ариқдан сув ичган қондош халқ. Ана шу дўстликка раҳна солмоқчи бўлган бузғунчи кучлар ўзларининг ғаразли ниятларига ета олмас-

лиги аниқ. Оғир кунларда кексаларни, аёллар ва болаларни бағрига олиб, бошпана бергани учун ўзбек халқидан миннатдоримиз.

— Ўш шаҳридаги масжидда жума куни ўзбек миллатига мансуб бир неча отахонни отиб ташлашди, — дейди Маҳаммаджон Эгамбердиев. — Уйлар ёқиб юборилди. Биз ёрдам сўраб, Ўзбекистонга келдик. Бизни бағрига олгани ва шарт-шароит яратиб бергани учун Ўзбекистон Президентига минг раҳмат.

— Ўзбек ва қирғиз халқи азалдан бирга яшаб келмоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Анджон вилояти Хўжаобод тумани бўлими раиси Каримжон Усмонов. — Ғаламислар ҳеч қачон бу абадий дўстликка путур етказа олмайди. Ғўшнимизнинг бошига оғир кун тушганда қараб туролмаймиз. Чунки қирғизнинг уйига кирган мусибат — бу аввало яқин кўшни бўлмиш ўзбекнинг оиласига кирган дарддир. Шу боис уларга бошпана бериб, барча шароитларни ташкил этмоқдамиз. Аҳиллик бор жойда — барака бўлади. Ана шу нақлни асло унутмаслик, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлаш билан баъзи бир қора кучларга муносиб зарба беришимиз керак. Бу ҳақиқий марднинг иши бўлади.

— Қирғизистоннинг ўш вилоятида рўй берган воқеаларни эшитиб, қаттиқ ха-

вотирландик, — дейди Марҳамат туманидаги «Қорақўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Арофатхон Қурбоннова. — Миллатларимиз ўртасига нифоқ солмоқчи бўлганлар ниятига етолмайди. Бунинг учун кўпоровчиларнинг, четдан туриб гиж-гижлаётганларнинг гапига кирмаслик, оғир-вазминлик билан, оқибатини ўйлаб иш кўрмоқ керак.

— Айни кунларда маҳкали шифокорларни жалб этган ҳолда ярадорларга, жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатмоқдамиз, — дейди Анджон вилояти кўп тармоқли шифохонаси бош врачлари Абдуғани Йўлдошев. — Шифохоналарда барча шароит яратилган. Доридармонлар етарли. Бугун бошига мусибат тушган минг-минг одамларга кўрсатилмаётган ёрдам қондош-жондош бўлган дўстларга берилаётган ёрдамдир.

Ҳа, икки қардош халқ ўртасидаги азалий дўстликка ҳеч ким раҳна сололмайди. Ўш ва Жалолободда қанча қон тўкилса, бу аввало, қирғиз ва ўзбек халқи душманларининг тегирмонига сув қуюди, бунга сира чидаб бўлмайди. Халқимиз «Кўшнинг тинч — сен тинч» деган мақолга ҳамиша амал қилиб келган. Шундай экан, биз Қирғизистондаги вазият тезроқ изга тушиб, у ердаги кўп миллатли аҳоли тинч, осойишта ҳаёт кечириши тарафдоримиз.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбири

ТАНЛОВ ШАРОФАТИ

Хабарингиз бор, шу кунларда барча туман ва вилоятларда «Келажак овози-2010» танловининг саралаш босқичлари бўлиб ўтди. Жумладан, Тошкент шаҳар босқичи «Ёшлар ижод саройи»да ўз нихосига етди. Фольклор йўналиши бўйича ўз иқтидорларини намойиш этиш учун йиғилган ёшларнинг қалбларидаги ҳаяжон танловнинг қизгин ўтаётганидан дарак бериб турарди. Албатта, бу энтиқишлар республикамиздаги 71024 нафар йигит-қиз қалбига бегона эмас. Чунки 2010 йилга келиб, «Келажак овози» иқтидорли ёшлар танловига айнан шунча йигит-қиз ўз маҳоратини синаш учун ариза топширди.

Танлов қатнашчиларининг голибликка бўлган интилишлари нақадар кучли эканликлари уларнинг чиқишларида кўриниб турарди. Иштирокчилар санъатини баҳолаш ҳакамлар учун осон кечмади.

Нозимжон Қосимов, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:
— Бу йилги натижалардан кўриниб турибдики, «Келажак овози» танлови ўтган йилгига қараганда ёшларда кўпроқ кизиқиш уйғотган. Кузатганимиздек, биз голибларни аниқлашда фақат саҳнадаги ижросигагина эмас, балки ҳар бир йигит-қиз қобилиятининг имкониятлари қай даражада эканлигига ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Шу билан бирга, танловда баҳолаш мезонининг ўз қонун-қоидалари бор: ҳар бир иштирокчининг ижро маҳорати, саҳна маданиятига риоя қилиши, асарни юқори савияда тақдим эта олиши ва ижро қилинаётган асарнинг бадиий савияси инobatга олиниб, баҳоланди.

Ҳамидулла Ортиқов,

Тошкент Хореография миллий рақс мактаби ўқувчиси:

— Бу танловга учинчи бор қатнашимиз. Ўтган икки йил давомида голиб бўлолмадим. Сабаби, шу пайтгача ўзим ўрганишга интилардим. Бу йилдан устозим Эркин Қаҳҳоровнинг қўлида таълим олдим. Кўриб турганимиздек, натижа ёмон бўлмади. Айтишадик-ку: «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалайди» деб. Энди республика босқичида ҳам яхши натижаларга эришиб, устозимнинг ишончини оқлашим керак.


Таваккалхўжа Насриддинов, танлов голиби:

— Бу танловга илк бор қатнашимиз. 5-6 ёшимдан оқ кўшиқ айта бошлаганим учун ҳам санъат ҳаётимнинг мазмунига айланган. Шунча иқтидорли ёшлар орасидан мени голиб деб топшигани учун миннатдорман. Бу каби танловларнинг ўтказилиши ёшлар учун катта имконият.

Голиблардан Ҳамидулла Ортиқов «Дилхирож» рақси, Таваккалхўжа Насриддинов Жўрахон Султонов мусиқаси, Навоий ғазали билан айтиладиган «Ўлмасун» ашуласи учун республика босқичига йўлланма олди.

Маълумот ўрнида: вилоятларда ўтган саралаш босқичида яхши натижаларга эришган иштирокчилар жорий йилнинг декабрь ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган Республика финал босқичига йўллангани қўлга киритди. Улар ўн кун давомида танловнинг жамоатчилик кенгаши ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари олдида ўз лойиҳалари тақдимотини ўтказди ва маданий дастурлар, мастер-класслар, маданият ва санъат вакиллари билан учрашувларда қатнашди.

Н.БОЙМУРОДОВА,
«Ma'rifat» мухбири



Қарши шаҳридаги банк коллежида замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланилаётгани ўқувчи-ёшларнинг салоҳиятли кадрлар бўлиб камол топишига хизмат қилмоқда.

Кўркам қиёфадаги коллежда ўқув-амалиёт ва фан кабинетлари, компьютер хоналари ҳамда ахборот-ресурс маркази зарур жиҳозлар билан таъминланган. Очиқ ва ёпиқ турдаги волейбол, баскетбол, теннис, футбол, югуриш майдончаларида ўқувчилар мунтазам спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратилган.

Суратларда: Қарши шаҳридаги банк коллежи ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА)
олган суратлар.

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИ

Улар учун таълим олиш янада қулайлашди

Баркамоллик ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам маънан етукликка интилиш демакдир. Усиб келаётган ёш авлод ана шундай сифатларни ўзида жам қилган комил фарзанд бўлиб етишиши, она юрт равнақиға ўз ҳиссасини қўйиши учун мамлакатимизда барча имкониятлар яратиб берилган.

Улардан республикамизнинг барча ёшлари қатори имконияти чекланган болалар ҳам кенг фойдаланмоқда. Бугунги кунда умумтаълим мактабларида таълим олаётган имконияти чекланган болаларнинг билим савиясини юксалтириш, ақлан ва жисмонан фаолликка ундаш мақсадида ҳокимликлар ва ҳомийлар томонидан бир қанча хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, «Баркамол авлод йили» давлат дастури ижроси бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу кунга қадар Тошкент шаҳридаги туман ҳокимликлари ва ҳомий ташкилотлар томонидан Миробод туманида 10та, Ҳамза туманида 9та, Чи-

лонзор туманида 5та, Яққасарой туманида 4та ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан 5та, жами 37 нафар имконияти чекланган ўқувчи шахсий компьютер билан таъминланди. Бундан ташқари Юнусобод, Шайхонтоҳур, Сергели, Мирзо Улуғбек, Бектемир ва Учтепа туманлари ҳокимликлари томонидан имконияти чекланган болаларни шахсий компьютерлар билан таъминлаш масаласи бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.


Бу каби хайрли ишлар келажакда албатта, ўз самарасини беради.

Шахсий компьютерларга эга бўлган имконияти чекланган болалар компьютер билан ишлаш кўникмасичи пухта эгалламоқда. Бу ўқувчиларнинг бундан кейинги билим олиш жараёнлари техника воситалари орқали янада қулайлашди ва улар кўшимча имкониятларга эга бўлди, демакдир.

Шохрух УБАЙДУЛЛАЕВ

Ўқув йили якунланди. Аини пайтда ўқувчиларнинг босқичли назорат ва якуний давлат аттестацияси баҳолари эълон қилиниб, умумий таълим муассасаси фаолиятига баҳо берилмоқда. Хусусан, ўқувчилар билим самарадорлиги ўтган ўқув йили билан солиштирилганда, ўсиш борми? Давомат неча фоиз? Ўқувчиларнинг фан олимпиадаларидаги натижалари қандай? Тўғарақларда нима янгиликлар қилиндию натижалари қандай бўлди?

Мақтабларнинг ўқув йилида ана шу асосий кўрсаткичлар бўйича эришган натижаларига кўра, кетма-кетликдаги ўрнини аниқлаш масаласига Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда. Мақтаблар рейтингини аниқлашга доир мазкур ва бошқа мезонлар улар ҳақидаги анчайин тўлиқ маълумот беради. Бошқарма ходимлари томонидан шу ўқув йили якунига кўра, пойтахтимиздаги рейтинг кўрсаткичи юқори бўлган 10та мақтаб аниқланди. Шулар орасида Ҳамза туманидаги 244-умумий ўрта таълим мақтаби ҳам бор. Аввалги ўқув йилларида ўртача ўринда бўлган мақтабнинг «кучли ўнталик» сафидан жой олишига қандай омиллар сабаб бўлди?



МАКТАБ МУВАФФАҚИЯТИ

МЕЗОНЛАРИ

Ўқувчи қизиқишини аниқлаш — самарадорлик омилли

Таълим-тарбия жараёни доимий ҳаракатда янгилашиб, тақомиллашиб борадиган жараён. Бунда ўқитувчи мақтаб ҳаётини ҳам таълимий, ҳам тарбиявий жиҳатдан ташкил этишда энг катта кўчдир.

Маълумки ўқувчи давлат таълим стандартлари бўйича билим, кўникма ва малака меъёрларини босқичма-босқич эгаллаб бориши керак. Бу масалага 244-мақтаб педагоглари энг бирламчи вазифа, деб қараганликлари боис, ўқувчилар билим самарадорлигидаги умумий натижа жорий ўқув йилида 87 фоизни ташкил этди. Ўқувчиларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга ҳали ўқув йили бошланмасидан аввал киришилади. Август ойининг охири, сентябрь ойи дастлабки ўн кунлигида ҳар бир ўқитувчи томонидан тузилган ўқув режасининг давлат таълим стандартларига мослиги туман халқ таълими бўлими ходимлари томонидан кўриб чиқилгач, у расман тасдиқланади ва таълим жараёни қизғин паллага киради.

2003—2004 ўқув йилидан бошлаб ота-оналар талаби ва тақлифига кўра, айрим фанларга ихтисослаштирилган синфларнинг иш бошлаши таълим сифатини оширишда муҳим омил бўлганлиги, мана, орадан бир неча ўқув йили ўтгач, аён бўлди. Бундай синфлар ота-оналар, ўқувчилар хоҳиш-иродасига, эҳтиёж ва имкониятларига мувофиқ шакллантирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил сентябрь ойида қабул қилинган «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сонли қарори ижросини таъминлаш йўлидаги бу кичик қадам мақтаб ҳаётига бутунлай бошқача муҳитни олиб кирди. Ота-оналар билан тузиладиган шартномага мувофиқ, ўқув йили бошидаёқ ўқувчининг иқтидорини аниқлаб, у маълум фанларга ихтисослаштирилган синфларга жалб этилиди. Сўнгги ўқув йилида 8та шундай синфга бириккан 261 нафар ўқувчига айрим фанлардан кўшимча дарслар ташкил этилади. Ўз фани асосларини чуқур эгаллаган, тажрибали ўқитувчилар-

гина ушбу синфларга масъул қилиб тайинланган. Мавзуларни янада чуқур ўзлаштириш учун аввало дарсликка таянилади, шундан келиб чиққан ҳолда алоҳида ўқув дастури ишлаб чиқилади. Дарсликдан ташқари ўқув адабиётларидан фойдаланилганда, ихтисослаштирилган фанлар бола учун чинакам мазмун касб этади. Ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади, бу уларга ҳам, ўқитувчига ҳам энгиллик туғдиради. Чунончи, 5-синфда она тили бўйича машғулот уюштирилган бўлса, 15 нафар ўқувчи ана шу йўналишда, қолган 12-13 нафари рус тилининг грамматик имкониятларини чуқур ўзлаштиришга жалб қилинади. Фанлар ҳафта кунлари бўйича расамда билан тақсимланган.

Муаммони ташаббускорлар ҳал қилди

Мақтаб бошқарувини ташкил этишда педагогик кенгаш, методик бирлашмалар, синф раҳбарлари, касаба уюшма, «Камалак» болалар ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари аъзолари фаол иштирок этади. Бунда ўқувчиларнинг дарсга тўлиқ иштироки, ДТС бўйича билим, малака ва кўникма меъёрларини эгаллаши, янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, ўқитувчиларнинг касб маҳоратини ошириши, синфдан ташқари тарбиявий ишларга асосий эътибор қаратилади.

2007-2008 ўқув йили бошида 244-мақтаб қошида 5 нафар тажрибали ўқитувчидан иборат «Ташаббускор гуруҳ» иш бошлади. Кўп йиллардан бери ана шу даргоҳда ишлаб келаётган тажрибали ва малакали устоз-мураббийлар таълим сифатини оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш ташаббуси билан чиқдилар. «Ўқувчилар фан ўқитувчилари ҳақида қандай фикрда» — ушбу масала даставвал ўрганилди. Ҳар бир синф ўқувчиларига сўровнома тарқатилди. Аноним шаклидаги сўровнома натижасида ҳар бир ўқитувчи ҳақидаги маълумотнома шаклланди. «Ташаббускор гуруҳ» аъзолари болага муносабатда хато-камчиликларга йўл қўётган ўқитувчи билан яққамма-яққасуҳбат ўтказишлари натижасида ўқув жараёни ва муҳит соғломлашди.

«Ташаббускор гуруҳ»

раҳбари Муассар Ортиқхўжаева:

— Номидан кўриниб турибдики, гуруҳ аъзолари мақтабда таълим-тарбия жараёнини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этишда ташаббус кўрсатишлари керак. Гуруҳ аъзолари таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ ҳар бир масалага катта аҳамият қаратади. Синф журналлари тоза-озода юритилия-

Sarhisob

тими, баҳолар вақтида қўйилганми? Ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёнига нималар тўсиқ бўлмоқда? Методбирлашмалар ишини янада жонлантириш учун нима қилиш зарур?

Аниқланган камчилик педагогик кенгаш муҳокамасига қўйилиб, чора-тадбирлар белгиланади. Шу ўқув йили мобайнида гуруҳ аъзолари томонидан 5та энг катта муаммо педагогик кенгаш муҳокамасига қўйилди: ўқув-тарбиявий ишларни янада ривожлантириш, мақтаб моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ота-оналар масъулиятини янада ошириш, ўқитувчилар ишига қараб, уларнинг рейтингини аниқлаш. «Ташаббускор гуруҳ» мақтаб фаолиятида катта кучга айланди.

Дарсни кузатишдан кузланган мақсад

Дарс таҳлилига қўйиладиган талабларда шу нарса муҳимки, ўқитувчининг ҳар бир дарси мазмунли асар даражасида бўлиши лозим. У дарс жараёнида ўз камчилигини сезмаслиги, кўрмаслиги мумкин. Четдан кузатувчи кишига ўқитувчининг маҳорати, камчилиги ҳар томонлама яққол сезилади.

Туман халқ таълими бўлими методика кабинетини томонидан дарс таҳлилига қўйилган оптимал талаблар билан барча ўқитувчилар танишиб чиққан. «Очиқ дарс»лар таҳлилига кирган ўқитувчи ўқув йили мобайнида ўз ҳамкасбининг ютуқларини эътироф этиш билан бирга камчиликларини ҳам умумлаштиради. Методбирлашма раислари кўпинча фан ой-

ликларида дарс таҳлилинини ўтказишга эътибор қаратишмоқда. Чунки бу даврда ўқитувчи айнан ўша фан бўйича болага кўпроқ билим бериш учун изланади, қўшимча манбаларни ахтаради, турлича услублардан фойдаланади.

Матлаб Кўлдошева, мақтаб раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича муовини:

— Дарс таҳлили ўтказилишидан хабардор ўқитувчи бунга алоҳида тайёргарлик кўриши табиий. Бу жараён муассасада мунтазам йўлга қўйилган ҳамда барча ўқитувчиларни қамраб олган. Фан ойликларида ўзимизга бириктирилган синфларда дарс таҳлилинини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўляпти. Мақсад ўқитувчи билиб-билмай йўл қўяётган хатони топишдан иборат эмас, балки таълим мазмунини, сифатини янада оширишдир. Чунки таълим жараёнига қанчалик чуқур кирсангиз, у шунчалик тақомиллашиб боради. Уйга вазифанинг бажарилишини ўқитувчи қандай назорат қилди, янги мавзунини ўтишда қандай воситалардан фойдаланди, дарс бериш услуби янги-янгича, синфхонада жонли муҳитни юзага келтирдими, дарс дақиқаларини тўғри тақсимлай олдимиз, энг муҳими, ўқитувчи дарс таҳлилига кирган ҳамкасбидан камчилигини кўрсатганлиги учун норози бўлишга ҳаққи йўқ. Келгуси дарсида у ана шу хатосини бартараф этишга қатъий киришади. Кўп ҳолларда ҳали тажрибаси етарли бўлмаган ўқитувчиларга дарс таҳлили орқали методик ёрдам кўрсатилмоқда.

Анъаналар кўпаймоқда

Мақтабда умумтаълим фанларини ўқитиш, ўқувчиларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш бўйича юзага келган тажрибалар қаторидан замон тақозо этаётган янги анъаналар ҳам ўрин ола бошлади. Аслида бундай анъаналар бошқа мақтабларда ҳам йўқ эмас. Таъкидламоқчи бўлганимиз — 244-мақтабда «Энг яхши синф раҳбари» кўрик-танловини ўтказиш тажрибаси тўпланди. Жорий йилда ушбу танловда 11

нафар синф раҳбарининг барча фанлар бўйича ўқувчилари билими самарадорлиги, уларнинг тўғарақларга қамраб олиниш даражаси, синф моддий-техник базаси, шахсий маълумотнома, яъни оилавий ҳаёти, дарсни ташкил этиш маҳоратининг синаб кўрилиши маълум маънода янгилик бўлди. Аввалги йилларда ўтказилган кўрик-танловларда синф раҳбарининг очик тарбиявий соатлар, ота-оналар йиғилишини ўтказишдаги маҳорати, сахна кўринишини ташкил этиш даражасигина синаб кўрилди. Бу галги синов шартларининг бойитилгани бир қанча номинацияларга муносиб топилган синф раҳбарлари орасидан мутлақ голибни аниқлаш заруратини ҳам қўйди. Уқори — 50 балл тўплашга муваффақ бўлган 4-«А» синф раҳбари Мамлакат Абдувалиева голибликни қўлга киритди. Дикқатга сазовор жиҳати, мақтаб миқёсидаги бу йирик тадбирда иштирокчилар барча шартлар бўйича ўз ишларини мультимедиа орқали намойиш этдилар.

2009-2010 ўқув йилини ўқувчилар билим самарадорлиги бўйича 87 фоиз, ўзлаштиришда 100 фоиз ва 96,5 фоиз давомат билан якунлаган 244-мақтаб раҳбарияти ўзининг кўп сонли педагоглари кучига, салоҳияти ва тажрибасига таянади, уларга ишонади. Бир ёқадан бош чикарадиган жамоа ўз ютуқ ва камчиликларини ҳар томонлама таҳлил қилмоқда, янги ўқув йилида мўлжалга олинаётган вазифалар бу йилгидан кўра янада залворлидир. Феруза Мадаминова раҳбарлигидаги мақтаб жамоаси амалда йўлга қўйилган «Устозшогирд мақтаби» фаолиятини янада такомиллаштиришга киришди. Бундан ташқари, педагогика йўналишидаги касбхунар коллежлари ва олий ўқув юртурларида ўқитган бўлгуси ўқитувчилар амалиётини шу ерда уюштириш орқали кадрлар захирасини вужудга келтириш бўйича янги лойиҳа устида иш бошлаб юборилди.

Демак, янги ўқув йилида мақтаб жамоасининг янги муваффақиятларига гувоҳ бўламиз.

Хулқар ТҮЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЖИЗЗАХ ШАХРИДАГИ 2-БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИДА ЎЗБЕК ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ, АНЪАНАВИЙ ИЖРОЧИЛИК, ТАСВИРИЙ САНЪАТ КАБИ САККИЗ МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ЮЗГА ЯҚИН ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИ САНЪАТ СИРЛАРИНИ ЎРГАНМОҚДА.

Улар миллатимизнинг энг яхши анъана ва урф-одатларини тарғиб қилишни ўзларининг бурчи деб билишади. Мактабда ҳар йили болалар ижодиёти кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланган. Гуруҳлараро ўтказиладиган беллашувлар ҳар бир қатнашчидан жиддий тайёргарлик кўришни тақозо этади.

Мактаб ўқувчилари республика бўйича ўтказилаётган турли танловларда ҳам иштирок этишапти. Жумладан, Малоҳат Абдуқодирова 2009 йили «Санъат гунчалари» республика кўрик-танловида иккинчи ўринни, Нигора Фафорова эса пойтахтимизда ўтказилган «Янги авлод» ёшлар ижодиёти кўрик-танловида 3-ўринни эгаллади. Изланувчан ўсмирлардан Ад-танловида 3-ўринни эгаллади. Изланувчан ўсмирлардан Ад-танловида 3-ўринни эгаллади. Изланувчан ўсмирлардан Ад-танловида 3-ўринни эгаллади.

Ёш ижрочиларнинг мунтазам шуғулланиши учун мактабда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Улар вақти-вақти билан Жиззах шаҳридаги 10, 17 ва 22-мактаб ўқувчилари, 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари хузурида бўлиб, концерт дастурларини намойиш этишади. Айниқса, улар ижро этган «Лазги», «Баҳор вальси», «Тановар», «Тумарис» каби асарлар болаларга манзур бўляпти. Ана шундай табдилларнинг ўтказилишида «Меҳнат шухрати» ордени соҳибдорларнинг ўтказилишида «Меҳнат шухрати» ордени соҳибдори бўлиб, олий тоифали ўқитувчи Ойша Бердиева, тажрибали педагоглардан Аҳмад Ражабов ва Ирина Комилова-нинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар чорак асрдан зиёдрок ушбу мактабда болаларга ўзбек чолғу асбобларидан сабоқ бериб келишапти.

Абдулла САИДОВ

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ» РЕСПУБЛИКА ЁШЛАР ТАНЛОВИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ТУМАН, ШАҲАР, ВИЛОЯТ БОСҚИЧЛАРИ ЎЗ НИХОЯСИГА ЕТДИ. УЛАРДА АРХИТЕКТУРА ВА ДИЗАЙН, АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ТАКЛИФЛАР ВА ТЕХНИК ИШЛАНМАЛАР, ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ, АДАБИЁТ ВА ПУБЛИЦИСТИКА НОМИНАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА 15 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Танловнинг Хоразм вилоят саралаш босқичининг очилиш маросими Урганч нефть ва газ касб-хунар коллежи биносида ўтказилди. 15 йўналиш бўйича биттадан голиб бўлган иштирокчилар республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Феруза

ТАНГРИБЕРГАНОВА

НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ 55-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА 1200 НАФАР ЎҚУВЧИГА 50 НАФАРДАН ЗИЁД ПЕДАГОГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИБ КЕЛМОҚДА.

Мактабда барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, унда Наманган шаҳридаги «1-Ахсикент» ва «2-Ахсикент» маҳалла фуқаролар йиғинларининг болалари билим олишади. Таътил даврида ҳам ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида мактабда турли фан ва хунар тўғрисида фаолият кўрсатаёпти.

Спорт-соғломлаштириш борасида ҳам мактабда самарали ишлар амалга оширилган. Хусусан, волейбол, баскетбол, теннис ва шахмат-шашка бўйича машғулотлар ўқувчилар билан доимо гавжум. Мактабнинг «Сеҳрли бармоқлар» деб номланган кўғирчоқ театри раҳбари Муҳаббат Нишонбоева бошланғич синф ўқувчиларининг ёзги таътил кунларини мароқли ўтказиш учун «Зумрад ва Қиммат», «Ур тўқмоқ», «Бўғирсоқ», «Айёр тулки» каби эртактарни сахналаштириб, болажонлар эътиборига ҳавола этиш билан банд. Бу эса кичкинтойларга манзур бўлмоқда.

Эътиборли томони, муассасада маънавий-маърифий ишларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ўқитувчилар фаолияти доимий назоратда.

— Бундай изланишлар, — дейди мактаб раҳбари Саида Бурхонова, — ўқитувчиларимизда масъулият ҳиссини кучайтириб, тажрибали педагоглар сонининг ортишига хизмат қилмоқда.

Пўлат ҲАМДАМ,
«Ma'rifat» мухбири



КЎЛЛАРИ ДУТОР УЗРА ГОҲ ТЕКИС, ГОҲ НОТЕКИС, ОҲИСТА ҲАРАКАТ ҚИЛАЁТГАН ҚИЗАЛОҚНИНГ ҚАЛБИДА КЕЧАЁТГАН ҲАЯЖОНУ ҚУВОНЧИГА ЧАЛИНАЁТГАН МУСИҚАНИНГ МАЙИН САДОЛАРИ ЖЎР БЎЛАЁТГАНДЕК, ГЎЁ. ЖАЖЖИ ҚИЗЧАСИНИНГ НИШОНА ИЖОДИДАН КЎНГЛИ ТОҒДЕК КЎТАРИЛГАН ОНАНИНГ ҚАЛБИДАН ЭСА, КЕЛАЖАКНИНГ ШИРИН ХАЁЛЛАРИ ЎТМОҚДА...

Тўртқўл болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган 2009-2010 ўқув йилининг ҳисобот байрами санъатга ошуфта кўнгиллари ҳаяжонли онларига бой бўлди. Унда турли синфларда таҳсил олаётган ўқувчилар устозлари ва ота-оналарига йил давомида олган билимларини намойиш этишди.

Мусиқа ва санъат мактабида 17та мутахассислик бўйича жами 154 нафар ўқувчи таҳсил олаётган бўлса, жорий йил 22 нафар ўқувчи беш йиллик меҳнатларининг самараси ўларок, мусиқа даргоҳини битиришга муваффақ бўлишди.

Тадбир санъатга меҳр қўйган болалар, орзу-ҳаваслар ила фарзандларини етаклаб келган ота-оналар ҳамда шу даргоҳда санъат гунчаларини парвариш қилаётган устозларнинг чинакам байрами бўлди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШЕРОБОД ТУМАНИДАГИ «БЕШБУЛОҚ» ВА «НЕФТЧИ» БОЛАЛАР ЁЗГИ ДАМ ОЛИШ ОРОМҒОҲЛАРИДА ВИЛОЯТ ИИБ ЁХБ ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда оромгоҳларнинг ички ва ташқи ҳудудларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар атрофлича муҳокама қилиниб, зарур кўрсатмалар берилди.

Учрашув давомида мутахассислар томонидан махсус назорат тафтиш ишлари ҳам олиб борилди. Унда оромгоҳнинг иссиқ ва совуқ сув билан тўлиқ таъминланганлиги, ёнғин ўчириш учун мўлжалланган сув манбаларининг мавжудлиги, биналарнинг ёғоч қурилиш қисмларига кимёвий суюқлик билан ишлов берилиб, электр ускуналарини ўрнатиш қоидаларига ҳамда газ ва иситиш мосламаларидан тўғри фойдаланганлик даражасида алоҳида аҳамият берилди.

— Мазкур болалар ёзги дам олиш масканлари барча ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб беради, — дейди Шеробод тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи Эшмирза Ҳамроев. — Мазкур масалага барча ташкилотлар, айниқса, болалар ҳордиқ чиқарадиган шу каби оромгоҳларда катта эътибор бериш зарур. Бу борада асло лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки кичкинагина носозлик ҳам нохуш ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Қизгин фикр-мулоҳазаларга бой бўлган учрашувда соҳа ходимлари иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб беришди.

Наргиза АСАДОВА,
«Туркистон-пресс»

... КЕЙИНГИ УЧ ЙИЛ МОБАЙНИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ МИКЁСИДА 1 МИЛЛИОН 464 НАФАР СПОРТЧИ ЁШЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА ЗАФАР КЎЧАНЛАРИ, ХУСУСАН, 2009 ЙИЛДАГИ СПОРТ МАВСУМИДА ГИМНАСТИКАЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ ТУРЛИ ХАЛҚАРО БЕЛЛАШУВЛАРДА 15 ОЛТИН, 10 КУМУШ, 14 БРОНЗА МЕДАЛЛАРИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАНИ, ОФИР АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ЁШЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ЮРТИМИЗДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ҚУВОНЧЛИДИР.

Бу маълумотлар «Бошланғич таълим» журналининг яқиндагина нашрдан чиққан 5-сонидан олинди. Баркамол авлод тарбиясида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни алоҳида эканини ўз чиқишларида таъкидлаб келаётган нашр бу гал ҳам бир қатор материаллар замирига ана шу руҳни сингдира олган. «Ватаннома» рўқнида берилган 1-синфлар учун мўлжалланган «Жаннат юртим, олтин бешигим» мақоласида эса муаллиф шеърят орқали ўқувчиларнинг тўғри, онгли ва кироат билан ўқиш малакаларини такомиллаштириш хусусида фикр юритади. Маънавият сабоғини беришда эса Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси Наргиза Исломова 3-синфлар учун «Илм — хазина» дея номланган бир соатлик дарс ишланмасидан фойдаланишни тавсия этади. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2010» республика кўрик-танловининг тафсилотлари билан журналининг махсус мухбири Сайёра Суннатова ўртоқлашди. Русийзабон журналхонлар эътиборига нашр «Национальная программа — в действии» ва «К дню памяти и почести» рўқнларида тайёрланган материалларни ҳавола этган. «Методист минбари»га эса назарий ва амалий таклифлари билан Низомий номидаги ТДПУ «Бошланғич таълим методикаси» кафедраси катта ўқитувчиси Гулшан Маматова таклиф этилган. Шу каби турли мавзулар, синф хоналаридан олинган рангин лавҳалар билан хузуригизга ташриф буюрган «Бошланғич таълим»нинг бу чиқиши ҳам назарингиздан четда қолмайди, дея умид қиламиз.

О.ОЧИЛОВА

ЧИЛОНЗОР ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ 429-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА «ИСТИҚЛОЛ» РАҚС ДАСТАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. УШБУ ИЖОДИЙ ЖАМОА 2009 ЙИЛДАН БУЁН ЎЗИНИНГ МИЛЛИЙ РАҚСЛАРИ БИЛАН БАРЧА ТАНЛОВЛАРДА ИШТИРОК ЭТИБ, СОВРИНЛИ ЎРИНЛАРНИ ЭГАЛЛАБ КЕЛМОҚДА.

Унинг аъзолари «Истиқлол юлдузчалари - 2010» кўрик-танловида «Қамчи» рақсини ижро этиб, туманда фахрли ўринни эгаллади. Кичкинтойларнинг сахнада чавандоз тимсолини маҳорат билан намойиш этгани йиғилганларга ўзгача завқ бағишлади.

Тарбияланувчиларни ҳар томонлама соғлом ва етуқ қилиб тарбиялаш, спортга бўлган қизиқишларини ошириш, қизларни бадий гимнастикага кўпроқ жалб қилиш мақсадида йўналтирилган спорт тадбирлари натижасида бу жамоа 2-ўринга сазовор бўлиб, муассаса раҳбарияти томонидан рағбатлантирилди.

Яқинда МТМда «Хайр, боғчам!» эрталиги бўлиб ўтди. Байрам тадбирига меҳнат фахрийлари, ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари таклиф этилди. Оқ кабутар, ранг-баранг пуфаклар кенг осмонга учиб, болажонларга юксак парвоз тилагандек таассурот қолдирди.

Ж.ЖАМИЛОВА,
Чилонзор туманидаги 429-мактабгача тарбия мажмуаси услубчиси

СИЗНИ ТАЪМАГИРЛАР АЛДАБ КЕТИШДИ ЁКИ ЎЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ КЕРАКЛИ ДАКИҚАЛАРДА ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛМАДИНГИЗ. БУНИНГ УЧУН КЎПИНЧА ОДАМЛАР АСОССИЗ РАВИШДА ДАВРДАН ВА УНДА АДОЛАТСИЗЛИКЛАР КЎПАЙИБ КЕТГАНДАН НОЛИШАДИ. АСЛИДА-ЧИ, ҲАР БИРИМИЗ ҲУҚУҚИМИЗНИ ЕТАРЛИ ДАРАЖА БИЛСАК, БИЗНИ КИМ ҲАМ ЧУВ ТУШИРА ОЛАРДИ.

Ана шу туфайли ҳам бугун ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини кўтариш долзарб масалаларнинг бирига айланган. Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида бўлиб ўтган «Ҳуқуқий етуқлик баркамолликка элтади» мавзусидаги учрашув ҳам ана шундай мақсадда ташкил этилди. Унда Адлия вазирлиги, Тошкент вилояти ва шаҳар ҳокимияти вакиллари ҳамда яна бир қатор идоралар ходимлари, шунингдек, шаҳримиздаги коллеж ва лицейлардан 500 нафарга яқин ўқувчи иштирок этди.

Дастлаб, мутахассислар томонидан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амал-

га оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти интерфаол усулда тушунтирилди. Сўнг коллеж ва лицейларнинг ҳуқуқ йўналишида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларга дарсларни янада такомиллаштириш, интерфаол усуллардан фойдаланиш юзасидан Адлия вазирлиги масъул ходимлари томонидан кўрсатмалар берилди.

Тадбир давомида ҳуқуқ соҳасига иштирослаштирилган таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Ҳуқуқ билимдонлари-2010» республика беллашувининг голиб жамоалари чиқишлари ташкил этилди.

Зилола РУСТАМОВА

«Faslning eng yaxshi ijodkorlari»

Матбуот инсонларга нафақат ахборот берувчи, балки унинг рухий ва маънавий дунёсини бойитишга хизмат қиладиган воситадир. Мутулаага берилган муштарий ундан кўнгилга хуш ёқадиган жиҳатларни излайди. Газетамиз саҳифаларида айнан шундай мақолаларнинг борлиги кишини қувонтиради, албатта.

Анъанага содиқ қолган ҳолда фасллар келинчаги бўлмиш баҳор ойида тайёрланиб, ҳам муштарийлар, ҳам таҳририят ижодий жамоаси томонидан эътирофга лойиқ топилган мақолаларнинг сарҳисоби ўтказилди. Танловнинг ушбу фаслида ҳар бир номинацияда ғолибликка даъвогар ижод намуналарининг кўпайганлигини мамнуният билан тилга олиш лозим. Мавсум давомида таҳририят манзилига турли мавзуларда ёзилган мактубларнинг кети узилмаганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур. Бунинг учун, аввало, Сиз азиз мухлисларга миннатдорчилик билдирамиз.

Демак, «Фаслнинг энг яхши ижодкорлари» танловининг ўтган мавсум ғолиблари билан танишинг.

«Ўқишли бадий асар» номинациясида муаллиф Хулкар Фармон қизининг «Баҳорги удум» (24 март) сарлавҳали мақоласи энг кўп овоз олишга муяссар бўлди.

Жорий йилнинг 14 апрелида Исландияда ҳаракатга келган Эйяфьятлаёкудль вулкони Европа қитъасини мураккаб аҳволга солиб қўйди. Ана шу воқеликка нисбатан ёзилган «Вулқонлар: ҳали очилмаган жиҳатлар талайгина» (21 апрель, муаллиф Насим Қосимов) сарлавҳали шарҳда муаллиф, асосан, бу вулқон келтириб чиқарган экологик ва иқтисодий талафотларга тўхталиб ўтади. Мазкур мате-

ЭНГ ЯХШИ ТЎГАРАК РАҲБАРЛАРИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилар саройи, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳамкорлигида «Йилнинг энг яхши тўғарақ раҳбари» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мактабдан ташқари таълим масканларининг педагоглари иштирок этди.

Болаларга пухта таълим-тарбия бериш, уларнинг турли фанлар ва соҳалар бўйича кўникмаларини бойитиш ва мустақамлаш, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ва самарали ташкил этиш, уларнинг ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунарга йўналтириш борасида мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти катта.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари билан бирга болалар бадий, техник ижодиёт, ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослик, экология йўналишидаги марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, тўғарақларга юқори малакали педагоглар ва мутахассисларни жалб этиш, уларнинг касб маҳоратини ошириш, меҳнатини эъозлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун юртимиздаги мавжуд 563 мактабдан ташқари таълим масканида ўғил-қизлар турли тўғарақларда фан, бадий ижодиёт сирларини ўрганмоқда.

«Йилнинг энг яхши тўғарақ раҳбари» республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад — юртимиздаги барча тўғарақ раҳбарларининг ижодий ташаббускорлиги ва изланишини қўллаб-қувватлаш, илғор иш тажрибасини оммалаштиришдан иборат.

Бухоро вилояти Жондор тумани Ўқувчилар ижодиёт марказининг «Ёш мақомчилар» тўғарақи раҳбари Садоқат Жамолова биринчи ўринга лойиқ топилди. Наманган шаҳридаги Ўқувчилар ижодиёт марказининг «Эстрада ижрочилиги» тўғарақи раҳбари Абдумалик Фафуров, Сирдарё вилояти Болалар ижодиёт марказининг «Фольклор ижрочилиги» тўғарақи раҳбари Мансур Жумабоев иккинчи ўринга сазовор бўлди. Жиззах тумани Ўқувчилар ижодиёт марказининг «Бичиштиқиш» тўғарақи раҳбари Марҳаб Жўраева, Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги Ўқувчилар ижодиёт марказининг «Миллий рақс» тўғарақи раҳбари Гулноз Тоғаева, Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги ўқувчилар ижодиёт марказининг «Кўғирчоқ театри» тўғарақи раҳбари Барноҳон Солиева учинчи ўринни эгаллади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ИЖОД ҚУНЧАДАРИ ГУЛАДАН ФАСЛ

Ҳозирги кунда хориж телеэкранлари орқали намойиш этилаётган Фарб мультфильмларини психологик ва тарбиявий жиҳатдан ўрганган тадқиқотчи Шаҳноза Акрамованинг «Мультфильмлар болаларни фақат эзгуликка ундасин» (10 апрель) сарлавҳали материали фаслнинг «Энг яхши мақола»си дея эътироф этилди.

Таълим муассасаларида фаолият юритиб келаётган ўқитувчи-муаллимларни кенг жалб этган танловнинг «Оригинал бир соатлик дарс» номинациясида бу сафарги ғолибликни Жиззах шаҳридаги 11-мактабнинг олий тоифали математика фани ўқитувчиси Бахти Холматованинг «Математика ва физика: туташ нуқтани топинг» (3 март сони) сарлавҳали дарс-машғулоти қўлга киритди.

Хабарингиз бор, «Ma'rifat» газетаси қошида «Маҳорат мактаби» ташкил қилинган ва унда журналистика мутахассислиги бўйича олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар билим ва маҳоратларини амалий фаолиятда бойитиб борадилар. Ушбу мактабда тажрибали устоз журналистларимиз томонидан олиб борилаётган амалий машғулотларда иштирок этаётган бўлажак журналистларнинг қаламлари чархланиб бораётганлиги дубҳасиз (15 май). Талаба-журналистлардан Зилола Худойбердиева, Ирода Намозбоева, Севара Мусаева ҳамда Шаҳрибону Имомова томонидан тайёрланган теран мулоҳазали мақолалардан ташкил топган, «Ma'rifat — mahorat maktabi» рукни остида берилган саҳифа «Сермазмун саҳифа» номинациясига муносиб кўрилди.

Журналист Элмурод Нишонов томонидан газетхонлар эътиборига ҳавола этилган, узоқ йиллар давомида деҳқончилик билан шуғулланиб, боғдорчиликда ўз тажрибасига эга бўлган боғбон Аҳмад бобонинг фалсафий ҳаёти акс этган «Дарахт одамнинг дардини олади...» сарлавҳали эссеси (29 май) «Энг яхши очерк ёки эссе» номинациясида ғолиб бўлди.

Ўқувчиларнинг имкониятларидан келиб чиқиб турли педагогик усуллардан фойдаланиб, сабоқ бериш бўйича ўз тажрибасига эга бўлган муаллим, Шаҳрисабз туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчиси Қахрамон Сафа-

ровнинг «Бўш ўзлаштирувчи ўқувчи: у билан қандай ишлаш зарур?» (24 март) сарлавҳали мақоласи танловнинг «Педагог-муаллифнинг долзарб материали» номинациясида ғолиб бўлди.

Республика болалар кутубхонасида «XXI аср болалар китобхонлиги» мавзусида бўлиб ўтган илмий-амалий конференциядан тайёрланган муаллиф Даврон Ражаб ва Хусан Карвонлининг «Болаларга берайлик... китобни!» (12 май) сарлавҳали давра суҳбати бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири — ўқувчи-ёшларнинг китоб мутулаасига бағишланган бўлиб, унда турли соҳа вакилларининг шу ҳақидаги мулоҳазалари акс этган. Ушбу давра суҳбати «Қизиқарли интервью, суҳбат» номинацияси ғолиблигига сазовор бўлди.

Юртимизда байрамлар кўп. Аммо бу байрамлар орасида катта қувонч-ла нишонланадиган, тинчлик ва фаровонликнинг ёрқин ифодасига айланган «Наврўз»нинг шуқуҳи ўзгача. Ана шундай фарахбахш дамлар акс этган «Обод юрт байрами» (24 март, муаллифлар А.Ҳайдаров, З.Холиқов) сарлавҳали сурат-лавҳалар танловнинг «Жозибали сурат» номинациясида ғолиб деб топилди.

Фаслнинг «Самарали методик материал»и дея баҳоланган Навоий шаҳридаги 11-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Муқаддам Болтаеванинг «Ўқишнинг тезлик ва сифати: уни қандай ошириш мумкин?» (3 март) сарлавҳали мақоласида ўқувчиларнинг ўқиш тезлиги ва сифати дарсни ўзлаштиришига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири эканлиги ўқтирилади.

Болангизнинг муруввати қачон шакллана бошлашини биласизми? «Тарбияга оид амалий таклиф» номинациясида ғолиб бўлган ушбу мақолада (17 апрель) муаллиф Зилола Рустамова мавзу юзасидан изланишлар олиб борган. Унга психолог ва шифокорларни жалб қилган ҳолда ўзининг амалий таклифларини билдирган.

Мавсум давомида ўзининг ижодий ишлари билан газета саҳифаларига ўзгача мазмун бағишлаган фаслнинг энг яхши ижодкорларини чин дилдан қутлаймиз. Баҳор фаслида кўнглингизга ташриф буюрган покиза туйғулар, орзу-умидлар ёз ойида ҳам сизни тарк этмасин.

риал танловнинг «Воқеликка муносиб шарҳ» номинациясида ғолиб деб топилди.

Ланжоу университети талабаси Мадина Тоғаеванинг «Хитойда ўзбек маданияти кунлари» (21 апрель) сарлавҳали мақоласи фаслнинг «Ўзига хос янгилиги» бўлди. Бунинг ўзига хослиги нимада дерсиз? Ахир, дунёнинг турли нуқталарида бундай маданий тадбирларни кўплаб учратишимиз мумкин. Лекин, мазкур маданият кунларининг ташкилотчилари ўзбек талабалари эканлиги, мақоланинг танловда ғолиб бўлишини таъминлади.

ЎзДЖТУ талабаси Висола Қаршибоеванинг «Ҳалокат нафаси: нажот нимада?» (5 май) сарлавҳали мақоласи «Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши» дея эътироф этилди.

«Asliyatdan tarjima» рукни остида Хитой ёзувчиси Хаи Лианг Жоу қаламига мансуб «Сассиз куй» ҳикояси (26 май) Акбар Раҳматов таржимасида эълон қилинган эди. Китобхонлар қалбига етиб борадиган даражадаги ушбу асар таржимаси фаслнинг «Энг сара таржима материали» сифатида эътироф этилди.

«Ҳозиржавоб муштарий» («Акс-садо») номинациясида Наргис Қосимованинг «Мультфильмдан эҳтиёт бўлинг!» (24 апрель) сарлавҳали мақоласи ғолиб бўлди. Унда мультфильмлар фарзандларимизнинг наинки тарбиясига балки рухий ҳолатига ҳам таъсир этаётгани ва шунга ўхшаш ҳолатлар юзасидан фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Яқинда ўз ниҳоясига етган, талаба-ёшларнинг ўзига хос олимпиадасига айланиб улгурган «Универсиада-2010» мусобақалари машъаласининг Паркент — Андижон йўналиши бўйлаб олиб ўтилишини маҳорат билан тасвирлаган Зоҳиджон Холонинг «Қалбларда куёш жилваси: «Универсиада-2010» спорт мусобақалари машъаласи Андижонда порламоқда» (29 май) сарлавҳали репортажи фаслнинг «Энг яхши репортаж» номинациясида ғолиб деб топилди.

ТАҲРИРИЯТ.

ЁШ МЕЪМОРЛАР МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

2010-yil — Barkamol avlod yili

унда миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга чуқур ҳурмат билан ёндашилган

Мамлакатимизда мустақилликдан сўнг қурилиш маданиятига бўлган эътибор сезиларли даражада кучайди. Халқ бойлиги саналадиган ёдгорликларни қайта тиклаш, уларни асраб-авайлаш, ўрганиш давлат сиёсатининг муҳим вазифалари сирасига киритилди.

Ислом КАРИМОВ

Чиндан ҳам бугун нафақат пойтахтимизда, барча ҳудудларда ҳам олиб борилаётган улкан қурилиш ишлари — барпо этилган жамоат бинолари ва аҳоли турар жой масканларини кўриб, юртимизда архитектура соҳасининг замон талабларига мос тараққий этаётганига, янги гоёлар билан бойитилаётганига гувоҳ бўламиз. Халқимизнинг замонавий, қулай, етарли шарт-шароитларга эга турар жой бинолари, дам олиш масканлари билан таъминланишида соҳа вакилларининг хизматлари катта. Замон талабларини тўла бажаришда эса ёш, иқтидорли мутахассисларнинг ҳам янгидан янги гоёлари алоҳида ўрин тутади. Чунки архитектура соҳасида таълим олаётган ёшларнинг малакавий битирув ишини қабул қилувчи комиссия аъзолари одатда, кўзга кўринган меъморлар, меъморчилик фирмаларининг раҳбарлари, бош меъморлари бўлади. Демак, тўрт йил давомида олган билимларини оқлаб, иқтидори, салоҳиятини намоён эта олган талабага соҳаси бўйича ишга



таклифлар олиш, келгусида эса ўз гоёларини амалиётга жорий этиш имкони ҳам туғилади.

Ана шундай ёшлардан бири — Тошкент архитектура-қурилиш институти архитектура факультети битирувчиси Мақсуджон Ҳасановдир. Бу йил олий таълим муассасасини бакалавр даражаси бўйича татомлаган Мақсуд малакавий битирув ишида пойтахтимиздаги «Ўқчи-Олмазор» даҳасининг реконструкция лойиҳасини таклиф этди. Талабанинг илмий иш-ни таҳлил этиш борасида бизга унинг илмий раҳбари, доцент Моҳир Толипов ёрдам берди.

Талаба нигоҳидаги шаҳар

Мақсуд Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида жойлашган «Ўқчи-Олмазор» даҳасини ҳар томонлама ўрганиб, шаҳарсозлик нуқтаи назаридан бу ҳудуднинг янги лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу ерда аслида ўзига хос меъморий кўриниш ва ечимларига кўра ҳали бир неча ўн йиллар хизмат қилиши мумкин бўлган замонавий жамоат ва турар жой бинолари билан бир қаторда эски уйлар, эски кўчалар ҳам бор. Мақсуднинг лойиҳасига кўра, келгусида барча мавжуд биноларни сақлаб қолган ҳолда, атроф кўп қаватли ва икки тарафи зинасимон шаклда пастлаб боровчи турар жой бинолари билан ўрналиши кўзда тутилган. Ҳудуднинг ичкари қисмида эса ҳозир мавжуд бўлган ва халқнинг тарихий анъаналарини ўзида акс эттирган камқаватли турар жой бинолари, ҳатто ингичка тор кўчалар сақлаб қолиниши ҳам эътиборга олинган. Мактаб, боғча каби таълим масканлари, маҳалла фуқаролар йиғини бинолари учун ҳудуд марказидан жой ажратилган.

Маълумки, халқимизда азалдан кўни-қўшничилик, ён-атрофдагилар билан аҳил яшаш анъанаси жуда кучли. Мақсуд режаллаган лойиҳада эски турар жойларни сақлаб қолишдан мақ-

сад ҳам ўша қадриятларимиз, шу билан бирга анъанавий меъморчилигимиз усулларининг ҳам йўқолиб кетишига йўл қўймадик, уларни имкон борича асл ҳолида сақлаб, келгуси авлодларга етказишдан иборат. Бу юртимизга ташриф буюрувчи меҳмонларга миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос томонларини таништиришда катта хизмат қилади. Чунки Ўзбекистонга ташриф буюрувчи ҳар қандай сайёҳ юртимиз ҳақидаги биринчи тасаввурни Тошкентдан олади. Шу боис, лойиҳада шаҳар кўринишларига хос замонавийлик тарихийлик билан омухта ҳолда кўрсатилади, замонавий қурилган бинолар ҳам ўзида анъанавийликни сақлаб қолади. Лойиҳада кўрсатилганидек, маҳалла марказининг эски удумларимизга мос равишда гузар шаклида ташкил қилиниши барча биноларни маъмурий жиҳатдан бирлаштириб туришга хизмат қилади.

Эспланададан томоша қилмасиз

Мазкур ҳудудда жарлик мавжуд бўлиб, ундан қурилиш мақсадларида фойдаланиб бўлмайди. Мақсуд буни ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Унинг лойиҳасига кўра, жарлик қисми кўкаламзорлаштирилиб, одамларнинг дам олишларига хизмат қилувчи исти-

роҳат боғига айлантирилиши, аҳоли яшаш жойлари билан ажралиб турган қисмида эса баланд кўприк — эспланада қурилиши мўлжалланган. Эспланададан эса ҳар икки томонни томоша қилиш имкони бўлади. Ҳудуднинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган ер ости метро йўли ҳам эътибордан четда қолмаган — Мақсуд бу майдонда қурилиш ишлари олиб бориш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, лойиҳада у ерларни ҳам кўкаламзорлаштиришни режасига киритган.

Ўзига хослиги — миллийликда

Айнан мана шу ҳудуд бўйича қилинган кўплаб ишларда талабалар барча эски биноларни бузиб ташлаб, ўрнига кўп қаватли уйлар қуриш таклифи билан чиқишганди. Мақсуд эса ўз лойиҳасида имкон даражасида эски шаҳарсозлик анъаналари асосида қурилган уйларни сақлаб қолиш масаласини ўртага ташлади. Чунки бу анъаналар бежиз бўлмаган, уларда шаҳарсозликнинг барча тамойиллари билан бирга қуёшли ўлкамизнинг иқлими, ўзаро ўзбекона миллий урф-одатлар, тоза ҳавога интилиш ва турли ойлавий тадбирларнинг ҳовлида ўтказилиши, ҳатто кўни-қўшничилик муносабатлари ҳам ҳисобга олинган. Ёш архитектор-

нинг илк ишидаёқ миллий қадриятларимизга, анъаналаримизга чуқур ҳурмати, муҳаббати у таклиф этган лойиҳанинг мана шу қисмида яққол намоён бўлади.

Устозлар нима дейди?

— Мутахассисларга Қашқадарёдаги замонавий қишлоқ лойиҳасини таклиф этган Исмоил Холхўжаев ҳамда Нукус шаҳрининг янги кўринишини лойиҳалаштирган Ниётбой Заримовнинг иши ҳам маъқул бўлди, — дейди кафедра мудири, профессор Муҳаммадҷон Аҳмедов. — Бу талабаларимиз ҳам ўз ишларида алоҳида янгиликлар билан чиқишди. Исмоилнинг лойиҳасидаги ўзига хослик — кичик саннат корхоналарини бевосита турар жой ҳудудлари орасига жойлаштириш бўлса, Ниётбой ўз лойиҳасида Нукус шаҳрида барча кўнгилоқар ҳудудларни бир жойда жамлаш таклифини киритди. Бу талабаларимизнинг ишлари ҳам келгусида муқобил вариантлар сифатида ҳисобга олинади, эҳтимол, мазкур лойиҳаларнинг айрим қисмлари мутахассисларимизга қўл келиб қолар...

— Талабаларимизнинг ишидан қониқдим, — дейди уларга илмий раҳбарлик қилиб, ўз маслаҳатларини аямаган Моҳир Толипов ҳам. — Чунки бу ишлар қизиқиш билан амалга оширилди. Талабаларимизнинг лойиҳалари барча битирув ишига қўйиладиган талабларга жавоб беради, дея оламан. Мураккаб лойиҳа бўлгани ҳолда, қисқа вақт (лойиҳа учун бир ярим ой вақт берилади!) мобайнида комплекс равишда бир қанча масалаларни ҳал этиш ва лойиҳани яратишнинг ўзи бўлмайди. Ишонаманки, Мақсуд, Ниётбой ва Исмоил каби иқтидорли ёшларимиз келгусида меъморчилик соҳасида юртимиз равақи учун ўз ҳиссаларини қўша оладиган муносиб мутахассис сифатида берган билимларимизни оқлайди.

Ҳа, архитектор дея аталган камтарона, аммо машаққатли касб эгаси бўлиш қийин. Аммо оқорида айтиб ўтган талабаларимиз каби бакалавр дипломини олиш жараёнидаёқ ўзига хос мукамал ишлари билан архитектура соҳасидаги дастлабки ютуққа эришган ёшларимиз жуда кўп. Бу эса мана шу соҳада талабаларга чуқур билим берган ва албатта, ўз юртига муҳаббат, миллий анъаналарга, қадриятларга ҳурмат руҳини сингдира олган устозларнинг ҳам улкан муваффақиятидир.

Муҳаббат ШАРИФОВА

Мамлакатимизда устоз ва муаллимларнинг ўз билим ва маҳоратларини доимий ошириб боришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунга мактабимиз ўқитувчилари мунтазам равишда малака ошириб келаётган Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолияти яққол мисол бўла олади.

Бир гуруҳ ўқитувчилар ана шу институтда навбатдаги малака ошириш курсида таҳсил олди. Бу ерда, биринчи навбатда, давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш устувор мақсади-миздир» ҳамда «Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонли-

«КАСБ МАҲОРАТИМИЗ ҚАЙТА ТОБЛАНДИ» Malaka oshirish

гини янада юксалтиришдир» деб номланган маърузаларида илгари сурилган гоёлар ва белгилаб берилган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш имконига эга бўлди.

Шунингдек, таълим тизимида амалга оширилган ва жорий йил учун белгиланган энг муҳим вазифалар билан ҳам яқиндан танишдик. Юртимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан ўқувчиларни хабардор қилишда жуда қўл келадиган ҳолис ва ҳаққоний маълумотлар бизга манзур бўлди. Дунё микёсида глобаллашув жараёни кузатилаётган ҳозирги вақтда ўсиб келаёт-

ган авлоднинг онги ва қалбини турли зарарли гоё ва мафкуралар таъсиридан сақлаш, химоя қилиш масалаларига бағишланган маърузаларни тинглаб, мунозараларда иштирок этдик.

Бошқа таълим даргоҳлари қатори мактабимизда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётган «Юсак маънавият — энгилмас куч» асарига маънавиятнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ўқувчилар онгу шуурига янада чуқурроқ сингдириш мавзусида соҳа мутахассислари ўзларининг таҳлилий хулосаларини тақдим этишди. Бу касбий малакамизни оширишда катта роль ўйнади.

Институтнинг бу борадаги салоҳияти ва моддий-техник имкониятлари йилдан-йилга ортиб бораётган экан.

Институт таълим жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилади. Ўтган йили институт кутубхонаси ахборот-ресурс марказига айлантирилиб, зарур техник воситалар билан тўлиқ таъминланди. Марказда Интернет тармоғи узлуксиз ишлаб турибди. Айниқса, кафедралар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг қирққа яқин веб-сайтлари Интернет тармоғига жойлаштирилгани эътиборга лойиқдир.

Малака ошириш жараёни-

да тингловчи сифатида ана шу ахборот-ресурс марказининг электрон дарсликлари, ўқув фильмлари ва мультимедиа дарслари, шунингдек, институт ўқитувчилари томонидан яратилган кўплаб электрон қўлланмалардан фойдаландик. Бу ердаги замонавий жиҳозланган аудиторияларда компьютер синфлари ва лингафон хоналарида сабоқ олди. Қисқа қилиб айтганда, шу тариха касбий малака ва тажрибамизни изчил ошириб, билимимизни мустаҳкамлаганимиздан мамнунмиз.


Раҳима КАРАЕВА,
Тошкент шаҳридаги
307-мактаб ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори Мадина Абдулқосимова Тошкент давлат иқтисодий университетининг «Иқтисодийда ахборот тизими ва технологиялари» мутахассислиги иккинчи курс магистранти. Мунтазам равишда фан олимпиадаларида, жумладан, 2008 йили «Компьютер графикаси» фанидан университетда ўтказилган талабалар олимпиадасида қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Тошкент давлат иқтисодий университети ахборот таълими йўналишлари тематик сайтлари муаллифи ва ҳаммуаллифи. Рус ва инглиз тилларида эркин сўзлаша олади.

Ҳозир «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда электрон тижорат» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Орузи — илм орқали Ватанимиз номини дунёга танитиш.

Шиори — илм уммонидан дурлар саралаб, доимо эзгу мақсадлар сари интилиш!



«Barkamol avlod — mamlakat kelajagi»

лаётган интеллектуал маҳсулотларни тадқиқ этиш ва уларни сотишда электрон тижоратни қўллаш бўйича илмий тавсиялар тайёрладан иборат, — дейди М.Абдулқосимова. — Тадқиқот натижасида Тошкент давлат иқтисодий университети электрон тижоратни қўллаш имкониятига эга янги расмий сайти мисол тариқасида ишлаб чиқилди. Унинг ёрдамида университет интеллектуал маҳсулотларини, профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабаларининг интеллектуал са-

дернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларни жорий этиш бўйича мақсадли лойиҳаларни ўзида мужассам этиши даркор.

Айтиш жоизки, юртимиз зиё масканлари фаолиятида туб ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, барча соҳаларга замонавий ахборот технологиялари кириб келди, бугунги кун ёшлари учун ахборот тўплаш, уни етказиш имконияти кенгайди.

— Мадинанинг интернет орқали иқтисодий тижоратни такомиллаштириш ва

ВАТАНИНИ ШУНЧАКИ СЕВИБ БЎЛМАЙДИ

Илм фидойиликни талаб этади

Ҳозирги кунда Мадина оригинал электрон сайтларни яратиш устида ўзига хос изланишлар олиб бормоқда.

Аслида инсоннинг, қолаверса, ҳар бир нарсанинг тақдири эзгу ниятга, шунга яраша саъй-ҳаракатга ҳам боғлиқ. Шу ўринда айтиш жоизки, Мадинанинг отаси (физика-математика фанлари номзоди Фаридун Абдулқосимов) қизига физика фанидан қўшимча сабоқлар бераётди, унинг келажаги, иш фаолияти электрон ҳисоблаш машиналари билан боғлиқ бўлишини орзу қилган эди. Мадина отаси истаганидек, компьютерда ишлаш сабоқларини чуқур эгаллади.

2004 йили Шайхонтоҳур туманидаги 115-мактабни аъло даражали шаходатнома билан тугатган Мадина шу йилнинг ўзида Тошкент давлат иқтисодий университети «Ахборот технологиялари ва менежмент» факультетига ўқишга кирди. Талаба қиз ўша пайтдаёқ замонавий техниканинг улкан имкониятларини ва уларни қўлга кенг татбиқ этишнинг ҳам зиммасида бўлишини тушунгани диққатга сазовордир. Шу сабаб кейинчалик ТДИУдаги кўплаб тўғараклардан мультимедиа йўналишини танлади ва бу ерда компьютер графикаси ҳамда веб-дизайн билан астойдил шуғулланди, интилувчанлиги билан устозлари назарига тушди.

Олий ўқув юртлариаро ташкил этилган олимпиадалар, конференциялар, муҳокамалар унинг иқтидорини тобора чархлаб борди. Аъло ўқиши, тўпламлардан жой олган илмий материаллари, жамоат ишларидаги фаол иштироки алоҳида эътирофга сазовор бўлди.

Талаба қизнинг ҳужжатларини варақлаб, «Мустақил Ўзбекистон илм-фан ривожига ёшларнинг ўрни» мавзусидаги маъруза, психологик иқтисодий, электрон тижорат бўйича электрон

қўлланма дисклари, университет махсус кенгашининг веб-сайти ишланмаси, «Университет таълим тизими ифода этувчи тематик сайтларни ишлаб чиқиш ва жойлаштириш» мавзусидаги малакавий битирув ишига, «ТДИУ тематик сайтлари» мавзусидаги иловаларига кўзимиз тушди.

— Илм фидойиликни талаб этади, — дейди у, — бўш қолган пайтларда ҳам интернетга кириб, янги маълумотларга эга бўлишни ёқтираман.

Лекин компьютер Мадинанинг бутун вақтини олмайди. Озода ва обод пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш унга завқ ва илҳом бағишлайди, спорт билан ҳам шуғулланади. Қолаверса, Мадина театр олами ошониси, мутолаа қилишни яхши кўради. Айни пайтда у кўпчилик наздида кераксиз деб ҳисобланган нарсалардан ажабтовур нарсалар ясашга ҳам қизиқиб қолган.

— Бу каби ишлар дидни шакллантиради, ўзига хос ечим топишга ундайди ва фаолиятимда ёрдам беради. Масалан, мен яратаётган веб-сайт бадий дид ва безаксиз муваффақиятли бўлмайди, унинг ҳар бир детали яхши ўйланган ва ноанъанавий бўлиши керак, — дея ўзининг қизиқишларини изоҳлайди Мадина. — Бежирим, қизиқарли ва фойдали нарсаларни ёқтираман. Шу сабаб компьютер орқали яратган ишларим одамларга фойда келтиришини хоҳлайман.

Электрон тижорат: замонавий, қулай ва самарали

Мадина университетни 2008 йили «Информатика ва ахборот технологиялари» мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатди.

2007 йилдан ҳозиргача университетнинг «Ахборот технологияларини ривожлантириш маркази»да муҳандис-дастурчи бўлиб фаолият юритиш билан бирга магистратурада ўқишни давом эттираётди. Ҳозирги кунга қадар 3та веб сайт — университет «Микро-макро иқтисодий» кафедрасининг (www.ziyonet.tsue.uz), ахборот таълими йўналишларининг тематик (www.ts.tdiu.uz), университет олий аттестация комиссияси расмий сайтларини (www.oak.ru) яратди, 2 та электрон ўқув қўлланма ва 10га яқин илмий мақола тайёрлади. Қайд этиш ўринлики, «Ахборот технологияларини ривожлантириш маркази»даги амалиёт ва ўқиш йиллари тиниб-тинчимас қиз учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Ҳамкасбларининг айтишича, у ердаги барча хонаю йўлакларнинг дизайнидан тортиб, жиҳозларнинг жойлашишигача Мадинанинг ижоди, нафис лойиҳалари асосида амалга оширилди. Айни пайтда бундан бошқа олий таълим муассасалари намуна олмақда.

2009-2010 ўқув йилида «Техника ва информатика» йўналиши бўйича магистратура босқичида Президент давлат стипендиясини қўлга киритган ёш олима ҳозирда «Ўзбекистоннинг интеллектуал маҳсулотлар бозорида электрон тижоратни қўллаш» мавзуси бўйича магистрлик диссертация ишини тугатиш арафасида. Диссертация ишини ёзиш жараёнида мавзу бўйича янгидан янги муаммолар кўриб чиқилди ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича илмий тавсиялар келтирилди.

— Тадқиқотдан асосий мақсадим, мамлакатимизда, университетда ишлаб чиқи-

лоҳиятини интернет орқали кенг тарғиб этиш (реклама) имконияти вужудга келади. Натижада университетнинг хўжалик шартномалари, талабаларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал этиш йўллари кўриб чиқилди. Анъанавий равишда мамлакатимиз тадбиркорлари учун интернет орқали савдо-сотик ишлари олиб бориш, яъни электрон тижорат йўли билан бизнес қилиш имконияти пайдо бўлади. Бунинг натижасида тадбиркорларнинг сарф-харажатлари камайиб, вақти ҳам анча тежалади.

Очиғи, республикаимизда электрон тижорат нисбатан янги тушунча бўлиб, жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда самарали фаолият тури ҳисобланади. Электрон тижорат — бу анъанавий тижорат, бизнес, олди-сотди операциялари электрон шаклда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалга оширилади деганидир.

Шогирд ютуғи — устоз фахри

Ҳозир Мадина «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда электрон-тижорат» мавзусида ҳам илмий изланишлар олиб бормоқда.

— Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида таъкидланганидек, биз ҳозирданқ тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотирмоғимиз керак, — дейди қаҳрамонимиз. — Бу дастур иқтисодий-иқтисодий асосий тармоқларини мо-

кенг оммага ҳавола этиш борасидаги илмий изланишлари бугунги куннинг муҳим масалалари сирасига кирди. XXI аср — ахборот технологиялари асри эканини унутмаган ҳолда шунга айтишимиз мумкинки, электрон тижорат энг қулай ва арзон иқтисодий тармоқ ҳисобланади, — дейди ёш олиманинг илмий раҳбари Дилмурод Расулов.

Дарҳақиқат, бозор инфратузилмасининг бевосита электрон тижорат орқали йўлга қўйилиши мамлакатимизнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятини кенгайтириб, экспорт, импорт ва нарх-наво масалаларини муаммосиз ҳал этиш имконини беради.

Зиёли оилада тарбия топган қаҳрамонимиз доимо ота-онасининг панд-насихатларига амал қилиб, уларнинг ишончини оқлаб келмоқда. Айни дамда унга маҳалла аҳли, устозлари ҳам алоҳида хурмат, ҳавас билан қарайди.

— Зукко ва билимдон шогирдим ҳақида ҳар доим алоҳида гурур ва фахр билан гапираман, — дейди иқтисод фанлари доктори, профессор Дилмурод Расулов. — Сабаби, Мадина ҳозирнинг ўзидаёқ тайёр мутахассис, замонавий тараққиётга ҳозиржавоб бўлиш мақсадида у ўз иқтидорини доимий равишда ривожлантириб боришга доимо ҳаракат қилади.

Энг муҳими, устозларига чуқур хурмат билан қарайдиган қаҳрамонимизнинг ниятлари улғу — юртимиз равнақи йўлида ўз ҳиссасини қўша оладиган етук мутахассис бўлиш, илм орқали Ватанимиз номини дунёга танитишдир.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, «Ma'rifat» муҳбири

ҚАЙТА НАШР ЭТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Тендер тартиб рақами: 14-MRT-2010.

Тендер номи: Дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни қайта нашр этиш юзасидан қайта тендер савдолари:

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: Тошкент шаҳар 100159, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: Давлат бюджети ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи мазкур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш учун нашриётларни тақдим этади.

Тендер савдоларида қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаган, давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой муддатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармаганлиги учун судга тортилмаган, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашчи буюртмачига шартномани бажариш қобилияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиши керак ва мазкур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга жавоб бериши лозим.

Дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларнинг оригинал макетига бўлган ҳуқуқ Буюртмачи ва Нашриётлар ўртасидаги шартномага мувофиқ Буюртмачига берилган.

Нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг номи ва нусхаси қуйидагилар.

Пакет рақами	Дарсликлар номи	Синфи	Таълим тили	Адади
1	География	8	тожик	9053

Тендер ҳужжатларини олиш учун талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг махсус №20203000100101044002 (АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали, МФО:00423, СТИР: 201122808) ҳисоб рақамига 2 000 000 (икки миллион) сўм ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт. Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун қатнашчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ва Тендер ҳужжатларини харид этган корхона ва ташкилотлар 2010 йил 16 июндан бошлаб ҳар куни (шанба ва яшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00дан 17:00гача тендер савдоларига тегишли қўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Дарсликлар ва ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш" бўлимидан (Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 319-хона, телефон: (+99871) 239-40-83, факс: (+99871) 239-40-81) олишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар тақлифнинг умумий қийматининг икки фоизидан кам бўлмаган закат суммаси билан бирга 2010 йилнинг 30 июнь куни соат 14:00га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Тендер тақлифлари 2010 йил 30 июнь куни соат 15:00да Республика таълим марказида (Манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси 174-уй.) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган тақлифлар очилмаган ҳолда қатнашчиларга қайтарилади.

Тендер комиссияси ўзининг эҳтиёткорлик чораларидан келиб чиққан ҳолда Тендер ҳужжатининг I боб 6-бандида белгиланган тартибда Тендер ҳужжатларига қўшимчалар киритиш орқали тақлифлар топширишнинг охириги муддатини узайтириши мумкин. Барча қатнашчиларнинг ҳуқуқлари тақлифнинг охириги муддатидан ўзгарган муддатга мутаносиб равишда ўзгаради.

Буюртмачи қатнашчилар томонидан тендер тақлифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларга жавобгар эмас.

2010 йилда Ўзбекистонда ўтказилаётган Экожурналистика республика танловида иштирок этиш учун ТАЛАБНОМА

Ўзбекистонда Экожурналистика республика танлови

Атроф-муҳит муҳофазаси ишларига жамоатчиликнинг барча қатламини кенг жалб қилишда экожурналистиканинг ўрни бекиёсдир. Соҳага доир янгиликларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади.

Экологик соҳада фаолият олиб бораётган журналистларнинг малакасини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида 2001 йилдан буён Марказий Осиё давлатларининг экологик ташкилотлари ҳамкорликда Экожурналистика минтақавий фестивалини ўтказиб келмоқда. Мамлакатимиз вакиллари бу фестивалда 2002 йилдан бошлаб мунтазам иштирок этиб келмоқда. Уша йилдан бошлаб республикамизда Экожурналистика Миллий танлови узлуксиз ўтказилиб, сараланиб олинган ижодий ишлар Марказий Осиё минтақавий фестивалида қатнашиш имкониятини кўлга киритади.

2010 йилда Экожурналистика Республика танловини Ўзбекистон экологик ҳаракати, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Экофорум, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ННТ Миллий уюшмаси ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказишни режалаштирган. Миллий танловга тайёргарликни кучайтириш ва уни юқори савияда ўтказиш, ғолибларни рағбатлантириш ҳамда вилоятлардан қатнашчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида қўшимча маблағлар жалб қилиниб, танлов ташкилотчилари томонидан Қўшма қарор қабул қилинди ва унинг Низоми тасдиқланди.

Республика танловига 2009 йилнинг 1 декабридан то 2010 йилнинг 30 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ва эфирга узатилган ижодий ишлар тақдим этилади.

Миллий танлов шартларига асосан қуйидаги йўналишлар бўйича ижодий ишлар қабул қилинади:

- Телевидение:**
 - видеофильм;
 - муаллифлик дастури (иккитадан кам бўлмаган);
 - сюжетлари;
 - ижтимоий-экологик ролик.
- Радио:**
 - янгилик лавҳалари;
 - ижтимоий-экологик ролик.
- Босма ОАВ:**
 - ахборот мақолалар серияси;
 - таҳлилий мақола;
 - бадий-публицистик мақола;
 - илмий-оммабоп мақола.
- Интернет:**
 - нашрлар серияси;
 - экологик сайт.
- Энг яхши экологик нашр.**
- Рағбатлантирувчи совғалар:**
 - энг яхши илк ижодий иш (ёшлар учун);
 - экожурналистикани қўллаб-қувватлаганлиги учун (ҳомийлар учун);
 - экологик бизнес-ғояларни татбиқ этганлиги учун (ҳомийлар учун).

Танловга келиб тушган ижодий ишларни оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчилик ташкилотларининг етакчи мутахассисларидан иборат ҳайъат аъзолари баҳолайди.

Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги, Туркистон-пресс нодавлат Ахборот агентлиги, "Экология хабарномаси" журнали, GARNet тармоғи, www.eco.uz, www.caresd.net, www.econews.uz, www.uznature.uz, www.ecoforum.uz, www.ngo.uz веб-саҳифалари Экожурналистика Республика танловининг ахборот кўмакчиларидир.

Ташкилий қўмита билан боғланиш
тел: 333-76-60, e-mail: ecopol@tps.uz

Иштирокчи(лар)нинг фамилияси, исми, отасининг исми (тўлиқ):				
Иш жойи, лавозими:				
Почта манзили:		Индекс:	Вилоят, туман, шаҳар, кўча, уй:	
Телефон, факс, E-mail:		Уй:	Иш:	Уяли:
		Факс:	Шаҳар коди:	E-mail:
ЙўНАЛИШ (остиға чизилсин)				
ТВ	РАДИО	Босма ОАВ	Интернет	Энг яхши экологик нашр
Видеофильм	Муаллифлик дастури	Ахборот мақолалари серияси	Нашрлар серияси	
Муаллифлик дастури	Янгилик сюжетлари	Таҳлилий мақола		
Янгилик сюжетлари	Ижтимоий-экологик ролик	Бадий-публицистик мақола	Экологик сайт	
Ижтимоий-экологик ролик		Илмий-оммабоп мақола		
ИЖОДИЙ ИШНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ШАКЛИ				
кассета VHS, CD-диск, DVD-диск	аудиокассета, CD-диск, DVD-диск	босма материалнинг асли ёки нусхаси	нашрлар нусхаси, саҳифалар босма нусхаси	нашр нусхаси
МАТЕРИАЛ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР				
Ижодий ишнинг номи:				
Асл нусха тили:				
Хронометраж (дақиқа), саҳифалар сони:				
Тайёрланган санаси:				
Эфирга берилган вақти ёки босмадан чиқарилган санаси:				
ТВ-канал, радиостанция, нашр:				

Барча бандлар тўлдирилиши шарт. Белгиланган тартибда тўлдирилган аризаларгина кўриб чиқилади. Танловга тавсия этилган чоп этилган материаллар босма ва электрон шаклда тақдим этилиши шарт.

Имзо:

Сана:

Диққат! Агар буюртма учинчи шахс номидан тақдим этилаётган бўлса, материалнинг танловга топширилганлиги ҳақида ижодий ишнинг муаллифи (ёки ҳаммуаллифлар) хабардор қилиниши лозим!

Танловга тавсия этилган материалларни қуйидаги манзилга жўнатиш лозим: 100027, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-а уй; электрон шаклини - e-mail орқали: info@eco.uz

Бугун Интернет бунёдкор ва вайронкор го'яларнинг «жанг майдони»га айланиб қолганлиги, унинг вақт ва макон чегараларини тан олмаслиги кўпчиликка сир эмас. Инсон курсида ўтирган ҳолда, биргина компьютер тугмаси орқали кўнгли тусаган ишни амалга ошириши мумкин. Айтиш керакки, Интернет чексиз мулоқот манбаи, хизмат кўрсатиш воситаси бўлибгина қолмасдан, бир вақтнинг ўзида илм-фан ва бошқа турдаги биланлар захирасини ўзида сақловчи виртуал манба ҳамдир. Тармоққа уланиш учун техник воситалар бўлса, бас...

Девордаги мушакдор «қахрамонлар»...

Ахборот назорат остидан чиқиб кетгач, инсоният бир қатор муаммо ва ижтимоий «касаллик»лар билан тўқнаш келди. Дунё психологларининг эътирофи этишича, «ахборотга мубталоликка» чалинган ёшлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Мутахассислар бу ҳолатни «ахборот очлиги синдроми» дея баҳоламоқда. Бу «касаллик»ка чалинганлар тинимсиз равишда янги маълумотларга эҳтиёж сезади. Муаммо шундаки, янгиликнинг ҳаммаси ҳам ях-

сидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида маъқулланди. Қонунга кўра, боланинг ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг қузатувисиз ресторан, кафе, бар, клуб, дискотека, кинотеатр, компьютер зали, Интернет хоналари ёхуд бошқа кўнгилочар жойларда ҳозир бўлишига йўл қўйилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Бундан келиб чиқадики, болаларнинг кўнгилочар масканларга боришига йўл

рот воситалари эса тажовуз куролига айлантирилмоқда», деб ёзади олима Н. Умарова ўзининг «Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар» китобида. Хўш, аҳвол шу даражага етган экан, биз унга қарши чора кўра оламизми? Ёшларимизни интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш учун нима қилишимиз керак?

Ахборот хуружларига қарши

Биринчи навбатда, ота-она ўз масъулиятини ҳис эта билиши, фарзандининг кундалиқ машғулотларидан хабардор бўлиши лозим. Ота-она боланинг интернетда қанча вақт «ўтириш»и ва мана шу вақт мобайнида нималар билан шуғулланишини назорат қилиши яхши самара беради.

Қолаверса, мактаб, маҳалла, синф раҳбари ва ўқитувчилар ўсмир хулқи ва ундаги ўзгаришларни кузатиб бори-

Sizga gapim bor

лаларни бирор даврага киритиб, кейин нималар гапирилганию, нималар қилинганини сўрасангиз, нуқта, вергулигача оқизмай-томизмай айтиб беришади. Шундай экан, боланинг олдида нималарни гапиртиш мумкину, нималар мумкин эмас, деган савол бироз ўйлантириб қўяди.

Кўпчилик боланинг олдида ҳамма гапни ҳам гапириб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Баъзилар эса, боладан яширмасдан, тушунтириш кераклигини таъкидлайди. Хўш, қай бири тўғри? Яна фарзандининг хушхалоқ, тарбияли ва маънавий-руҳий жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етиши учун ота-онадан қандай мажбуриятлар талаб этилади?

— Ота-она ҳеч қачон бола олдида урушмаслиги керак, — дейди педагог, 3 нафар фарзанднинг онаси Комила Раҳимова. — Жанжалли ҳолат ва келишмовчиликлар ҳамманинг ҳам оиласида бўлиши табиий. Муаммоли вазиятларни болалардан холи пайтда ҳал қилмаслик уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Унда ё отам ёки онам ёмон, деган фикр туғилиши мумкин. Менямча, кичкинтойлар олдида ота-она ва ўқитувчи актёр бўлиши керак. Яъни, муаммо ва зиддиятни болага иложи борица билдирмаслик учун ҳам шундай маҳорат зарур, деб ўйлайман.

Шу ўринда бир фикр: психологларнинг таъкидлашича, бола олдида муаммоларга ечим излашдан кўра, у билан кўпроқ мулоқот қилишга ҳаракат қилиш керак экан. Унга ширин сўзлар билан муносабат қилиб, «Сен яхшисан!», дейиш болани руҳлантиради. Ота-она болага яхши кўришини кунига камида ўн марта такрорлаб туриши лозим экан. Бу болани ота-онага яқинлаштирибгина қолмай, ўзига бўлган ишончини ҳам кучайтираркан.

Шунингдек, боланинг олдида молиявий қийинчиликларни муҳокама қилмаслик керак, назаримизда. Бундан бола эзилши, муаммодан чиқиб кетиши йўлларини билмаганлиги учун тушкунликка тушиб қолиши мумкин. Баъзи аёллар фарзандлари олдида эрини кўп пул топмасликда, оилани боқа олмаётганликда айблашади. Ёки ўзига тўқ оила бошлиғи билан со-

лиштиради. Ўзларининг турмушини ночор қилиб кўрсатиб, нолийверишади. Бола бундай гапларни эшитавергач, ўз эҳтиёжларини айтишдан чўчиб, кўнгли чўкиб қолиши мумкин. Оқибатда, болада журъатсизлик, ўз фикрини эркин айта олмаслик кабилар шаклланиб қолади. Қолаверса, доим отани ёмонлайвериш, ўз-ўзидан унга бўлган ишонч ва ҳурматни сўндириб юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманидаги 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нуқулжон Иброҳимова:

— Албатта, фарзандини ўқитувчига ишониб топширгандан кейин, устознинг бола олдидаги обрўсини ҳам сақлай олиш муҳим аҳамият касб этади. Агар бола олдида ўқитувчининг билимсиз экан, устозинг бўш тутар экан, дея муҳокама қилинса, боланинг устозига бўлган ҳурмати тушиб кетади. Оқибатда эса, ўқувчи устозининг айтганларига кирмаслиги, ўқиши ҳам пасайиб кетиши мумкин.

Ғийбат барча даврда ҳам ёмон саналган. Боланинг олдида гаплашганда, бировларни ғийбат қилмаслик зарур. Баъзи инсонлар бор, кўшини ёки қариндош-уруғларинининг иллатларию камчиликларини айтиб, танқид қилади. Ёнида кичкинтойи ўтирганига эътибор бермай, бемалол инсонларга нисбатан салбий муносабатларини ошқор этишади. Балки бунда ота-онанинг қилган танқиди ўринлидир, аммо болангизнинг танқид тоши отилган ўша инсонни ёмон кўриб қолиши ва уларга нисбатан ишонч ва ҳурмати йўқолиши бу ўзингиз учун (тўғрироғи, фарзандингиз учун) зарар, аслида.

Ўқитувчи — ўқувчиларнинг диққат-марказида турувчи шахс. Демак, у ҳам ўқувчилари олдида ҳар бир хатти-ҳаракати ва гапирган гапига эътибор бериши шарт. Эҳтиётсизлик ёки бепарволик билан айтилган бир оғиз гап боланинг устозига бўлган муносабатини бир умрга белгилаб беришга қодир. Ўқитувчи ўқувчилар олдида ота-онасини муҳокама қилишдан, улар ҳақида салбий фикр айтиб қўйишдан қочиши шарт. Биринчи ўқитувчим Малика Сапаеванинг «Болага шахс, катта бир инсон сифатида қараш керак. Ҳеч нарсани тушунмайди, дейиш нотўғри», деган гапларида жон бор.

Хуллас, ҳар бир инсон у хоҳ педагог бўлсин, хоҳ ота-она боланинг олдида ўзини яхши тутишга мажбур. Бу бизнинг бурчимиз. Болаларга тушунтиришдан, дўстона муносабатда бўлишдан ҳеч қачон эринмайлик.

Соҳиба МУЛЛАЕВА

ИНТЕРНЕТДАН Фойдаланишни Биласизми?

шиликка олиб келмайди. Кимдир бирор соҳа билан қизиқиб, унга муккасидан кетса, қолган маълумотларни онгсиз равишда инкор қила бошлайди.

Афсуски, ёшлар Интернетга кўп ҳолларда маълумот олиш учун эмас, турли ўйинларни ўйнаш, кўнгилоқлик ёки вақт ўтказиш учун мурожаат қилади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун ўзим яшаётган маҳалла атрофида кичик бир «тадқиқот» ўтказдим. Интернет клублари доимо гавжум. Фойдаланувчиларнинг 90 фоизи ўсмирлар — 5—11 ёшлардаги болалар. Кинофильмларнинг мушакдор қахрамонлари ва ярим-яланғоч аёллар суратлари клуб деворларига «зеб» бериб туради. Яна бир бурчакда яхна ичимликлар сотилади. Турган гапки, бу ерда бола ўзини гўёки шахзодадек ҳис қилади.

Айрим Интернет клублари соат 23дан кейин ҳам ёшлар билан гавжум. Сабаби, бу вақтда Интернет-провайдерлар тармоқдан бепул ёки арзон нархда фойдаланиш имтиёзи яратилган. Бундан фақат фойда кўрувчи клуб назоратчилари компьютерларни тонг отгунга қадар болалар ихтиёрига топшириб қўяди. Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, болалар томонидан содир этилаётган қонунбузарлик ва майда безориликлар куннинг айнан мана шу қисмига тўғри келади. Нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғри-

қўйган ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс ҳамда кўнгилоқчар маскан раҳбари ва ходимлари бола учун жавобгар бўлади. Албатта, ҳамма масъулият фақатгина ота-она ёки мактаб елкасига юклаб қўйилаётгани йўқ. Зеро, келажак эгаларининг тақдири ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Хавфли ўйинлар

Айрим интернет ўйинлари инсонларнинг онгини захарлаш учун, атайлаб ўйлаб топилди. Бундай ўйинларни тарғиб қилувчи сайтлар «ғоявий вирус сайтлари» деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги тўғрисида»ги қонунида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ёшлар онгига салбий таъсир этадиган, соғлом турмуш тарзига тўғри келмайдиган ҳамда ижтимоий хавфли ҳисобланган бошқа ахборотларни тарқатишга йўл қўйилмаслиги таъкидланган.

Турган гапки, бу қоидалар бевосита Интернетга ҳам таллуқли. Шунга қарамай, жаҳонда «ахборот уруш»лари авж олиб, улар давлатларнинг суверен тенглиги, конституцион меъёрлари, диний эътиқоди, тинчлик ва хавфсизлигига раҳна солмоқда.

«Ахборот технологиялари ривожланган давлатларда ахборот соҳасидаги имкониятлардан сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ахборот ва маданий тажовуз мақсадида фойдаланишга уринишлар ортмоқда. Охир-оқибатда ахборот ҳарбий снарядга, оммавий ахборот воситалари эса тажовуз куролига айлантирилмоқда», деб ёзади олима Н. Умарова ўзининг «Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар» китобида. Хўш, аҳвол шу даражага етган экан, биз унга қарши чора кўра оламизми? Ёшларимизни интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш учун нима қилишимиз керак?

ши, болани қизиқарли ва фойдали ишларга жалб қилиш йўлларини излаши даркор.

Кўп нарса интернет-клуб маъмурларига ҳам боғлиқ. Чунки, улар интернетдан фойдаланиш имкониятини яратиш билан бирга, зарур пайтда тармоқ билан «муомала қилиш» маданияти, кўникмасини шакллантиради. Тақиқланган сайтларга кириш, ўйин вақтида сўкиш сўзларини қўллаш маъмурият томонидан қатъий маън қилиниши, қоидаларни бузган фойдаланувчилар учун маълум миқдорда жарима белгиланиши зарур.

Клублардаги бемаъни ва фойдасиз ўйинлар ўрнига ақлни чархлайдиган, билимни оширадиган, тафаккурга ундайдиган интеллектуал ўйинлар сонини кўпайтириш керак. Фақат шундагина ўйин орқали маънавий ҳордиқ чиқариш, фикрлаш қобилиятини ўстириш имконияти туғилади. География, математика, астрономия, санъат, зоология, спорт ва тилларни ўрганиш билан боғлиқ ўйинлар бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, тилга оид ўйинлардан бири — Talk Know дунёдаги асосий 15та тилни қамраб олади.

Энг асосийси, биз ўзимизда ахборотларни саралаб олиш кўникмасини шакллантиришимиз, ҳар қандай ёт ва зарарли гоёга муносиб жавоб қайтаришга шай туришимиз керак. Шундагина интернет ҳам, ахборот хуружлари ҳам биз учун кўрқинчли бўлмай қолади.

Шаҳноза АКРАМОВА,
тадқиқотчи

«Реклама» деганда негандир кўз олдимга машхур «Шум бола» фильмидаги бозор ва куртлаган олма-ларини мақтаб сотаётган болакай келади. Даврлар ўтиб, бугунги кунда рекламанинг кўриниши, шакли ўзгарган. Аммо мақсад ўша-ўша. Махсулот ёки хизмат турини миждозга таклиф этиш ва унинг фақатгина ижобий тарафларини келтириб ўтишдир. Реклама орқали жуда кўп ахборот қабул қиламиз. Баъзида ўзимизга керакли кундалик буюм ёки хизматларни кийинчиликсиз топамиз. Лекин гоҳида битта реклама ролигининг экранда қайта-қайта пайдо бўлиши асабимизга тегиши ҳам рост.

ТАНГАНИНГ ИККИНЧИ ТАРАФИ

«Википедия» электрон манбасида берилишича, реклама — хоҳлаган шакл ва хоҳлаган усулда тарқатиладиган, одамларнинг эътиборини қаратишга йўналтирилган, омма қизиқишларини шакллантирувчи, шу билан бирга, бозорда эълон қилинаётган объект обрўсини сақловчи ахборот. Унинг таъсирида истеъмолчида махсулот ва хизматларга эҳтиёж жуда юқори бўлмасда, қизиқиш пайдо бўлади ва аксарият ҳолларда махсулотни харид қилади. Шу сабаб рекламанинг бир неча ижобий хусусиятлари билан биргаликда салбий томонларига ҳам тўхталмай илож йўқ. Айниқса, бугун телевизор қаршида куннинг асосий қисмини ўтказётган болалар рекламани қандай қабул қилаётганини ўрганиш жуда катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда юз бераётган ривожланиш, хусусан, ахборот соҳасидаги ўзгаришлар, шунингдек, реклама ҳам болалар онгига, фикрлашига таъсир кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, уларнинг хоҳиш-истаклари шакллантирилаяпти, бошқарилаяпти. Бугуннинг долзарб мавзуларидан бири бўлган мазкур масала юзасидан бир неча тадқиқотлар ўтказилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Масалан, psyfactor.org сайтида рекламанинг болалар психологиясига таъсири тўғрисида эълон қилинган мақола ҳам шулар жумласидандир. Унда айтилишича, жуда кўп мутахассислар аввалига реклама ёки бошқа бирор ахборотни узатишда қабул қилувчи аудиториянинг асосий қисмини 45—50 ёшда деб ҳисоблашган. Лекин кейинчалик аниқланишича, вазият мутлақо бошқача экан. Боиси, катта ёшлиларнинг диққатини фақатгина баъзи дорилар рекламаси ва ўзига хос ахборотлар торта олади, бошқа махсулотлар рекламасига улар бефарқ қарашади.

Ёшлардан ташкил топган аудитория қатлами эса ўзига янги информацияни тез ва осон қабул қилади. Бундан ташқари, улар янги одат ва яшаш тарзини тезда ўзлаштиради. Ўз навбатида, бу рекламанинг самарасини, натижасини тезроқ юзага чиқаради. Чунки реклама тезкорлик, ёрқинлик ва хушчақчақлик каби хусусиятлар билан ахборот бериш усули ҳисобланади. Реклама берувчилар махсулоти болалардаги соддалик, ишонувчанлик оқибатида улар томонидан берилган ахборот тўғридан-тўғри қабул қилинади. Зотан, болаларнинг дунёқараши ҳамма нарсага ижобий

кўз билан қарашга мойил бўлади. Буни психология ҳам тасдиқлайди.

Умуман олганда, дунёқараши маълум маънода шаклланган одам одатда бирор-бир ахборотни қабул қилиш жараёнида унга, унинг тўғрилигига нисбатан шубҳа билан қараши сезилади. Ана шунда инсон онгида бир-бирига қарама-қарши муносабат пайдо бўла-

фоизи рекламани охиригача томоша қилса, 19 ёшлиларда бу миқдор фақатгина 15,9 фоиз. Шунингдек, 12 ёшгача бўлган болалар йил давомида 25000 атрофида телереклама томоша қилади.

Психологлар болаларни биринчи навбатда экрандаги ҳаракат ва ёрқин сурат ўзига жалб қилади, рекламанинг маъно-мазмуни иккинчи ўринда, деган фикрда. Боиси, кичкинтойлар маълумотни онг остида қабул қилишади. Оқибатда реклама ғайририхтиёр равишда уларнинг диққат-эътиборини ўзига тортади. Инсоннинг болаликда ўзгаришлар ва янгиликка ўч бўлиши эса рекламага қизиқишни кучайтирувчи омил ҳисобланади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, замонавий реклама ўзининг жўшқинлиги билан характерланади. Ундаги

Масалан, «Эксперт» журналида берилган Наталья Титованинг «Фаст-фуд махсулотларининг болаларга таъсири» номли мақоласида айтилишича, бу каби тезкор, бир зумда тайёрланадиган овқат ишлаб чиқарувчи компаниялар кичкинтойларни ўз махсулотларига жалб қилишда рекламадан самарали фойдаланган. Улар логотипларини ўйинчоқ қутиларида, болалар китоби муқоваларида, видео ўйин ва истироҳат боғларида жойлаштиради. Компаниялар шу мақсадда машхур болалар персонажларидан фойдаланиш учун кўпмиллионли шартномалар тузади. Масалан, «Кока-кола» компанияси Гарри Поттер ҳақидаги китоб ноширлари билан йirik шартнома тузган.

Шу билан бирга, «McDonald's» корпорацияси

Dolzarb mavzu

махсулот бунисидан ҳақиқатдан ҳам яхши эканига ишонади. Ҳали мустақил қарор қабул қилиш имконига эга бўлмаган болакайлар ота-оналарига ўша нарсани олиб беришни сўраб, хархаша қилади. Интернетда берилган маълумотларга қараганда, АҚШда 4 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун ота-оналар ҳар йили 4 миллиард доллар атрофида маблағ сарфлайди. Умумий ҳисобда тахминан 15 миллиард доллар ўйинчоқ, ширинлик ва болалар кийимлари учун ишлатилади. Олдинги йилларга қараганда ушбу кўрсаткич анча ўсгани ҳам бор гап.

advi.ru сайтида берилган тадқиқотчи Маргарита Васильеванинг реклама тўғрисидаги мақоласида айтилишича, кундалик харидлар билан 60 фоиз қизлар ва 40 фоиз ўғил болалар шугулланади. Жараёнда улар асосан ўзлари рекламасини кўрган махсулотларни харид қилиши кузатилади. Қолаверса, реклама ёрдамида болаларни ва уларнинг ота-оналарини бирор махсулотни харид қилишга жалб қилиш мумкин. Биргина мисол, ота-оналарнинг кўпчилиги айрим ўйинчоқ ва компьютер ўйинларининг фойдали эмаслигини билгани ҳолда ўз фарзандлари учун олиб беришар экан.

РЕКЛАМА — БОЛАНИНГ АХБОРОТ МАНБАСИ(МИ?)

ди. Бу эса ахборотга тўғри баҳо бера олишга олиб келади.


Маълумки, инсон ахборотни икки хил тарзда, яъни онг ва онг ости орқали қабул қилади. Онгли тарзда ахборот олган киши тўғрини ёлғондан ажрата олади. Болаларда эса бундай ҳолат йўқ. Улар рекламадаги ахборотни танқидий қайта ишлаб, ўзлаштириш қобилиятига эга эмас. Демак, кичкинтойлар ахборотни жиҳатдан ўзларини ҳимоя қила олмайди. Ёши катта бўлгандан кейин эса ҳаётий тажриба ва мантикий тафаккурнинг ривожланиши натижасида ахборотларни танқидий таҳлил билан қабул қилиш кўникмаси шаклланади.

АСОСИЙ ТОМОШАБИН — КИЧКИНТОЙ

Сир эмас, катта ёшлиларнинг кўпчилиги рекламани ёқтирмайди. Битта рекламанинг кўп, тез-тез ва керагидан ортик такрорланиши ўзининг акс таъсирини кўрсатиши ҳам кузатилган. Лекин бугун кичкина болаларда бир хил реклама клипларининг ниҳоясиз қайтарилишига асабийлашиш ҳисси йўқ. Аксинча, роликларнинг биттасини такрор такрор кўриш 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда қизиқиш уйғотади.

www.utro.ru сайтида берилган маълумотларга қараганда, 2003 йили «КОМКОН-Медиа» компанияси томонидан сўровнома ўтказилган. Натижаларга кўра, реклама томошабинлари аудиториясининг ярмидан кўпини, яъни — 52,4 фоизини айнан болалар ташкил қилар экан.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, бола қанча катта бўлса, шунча рекламага ишонмайди. Буни статистика ҳам яққол кўрсатиб турибди. Хусусан, psyfactor.org берган маълумотга кўра, 9 ёшлиларнинг 44,8



воқеалар шиддати, образларнинг бир-бири билан алмашиниш тезлиги юқори. Шунинг учун болалар унга қизиқиб, буткул реклама таъсири остида қолади. Роликларда визуал образлар шундай тез ўзгарадики, бола диққат билан уни тушуниш ва идрок қилишга улгурмайди. Натижада рекламадаги ахборот улар томонидан таҳлилларсиз қабул қилинади.

«ЁШЛИКДА КЎРИЛГАН...»

Айни кунда ёшликда тўпланган ахборот индивиднинг ижтимоийлашувида жуда катта аҳамиятга эгаллиги тез-тез тадқиқот натижаларида кўзга ташланмоқда. Ҳатто ёшликдаги кичкина таассурот, таъсир ҳам келажақда унинг шаклланишида асосий ўрин тутати. Шунинг учун ҳам реклама берувчиларнинг ахборотлари акс садосиз қолмаяпти.

тез кунларда дунё бозорига «McKids» ёрлиги остида махсулотлар олиб чиқиш ниятида. Бу — болалар учун кийим, ўйинчоқ, ўйин, видеомахсулотлар, китоблар ва спорт буюмлари жамланмаси. «Ведомости»нинг хабар беришича, корпорация ўз фаолиятини Канада, Мексика, Австралия, Хитой, Япония, Жанубий Корея ва Тайван бозорларида кенгайтиришни режалаштирган.

Қисқача айтганда, эндиликда глобал бозорга кириш учун эртанги кун эгалари бўлган болаларнинг эътиборига тушиш ҳаракати авж олмақда, реклама асосан, болаларга қаратилаяпти.

ОТА-ОНАГА ТАЪСИРНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Болалар психологияси билан шугулланувчи мутахассисларнинг таъкидлашича, рекламалар таъсирида болалар у

ИШОНЧ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНМАСИН

Шу ўринда бир мулоҳаза, мамлакатимизда «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши реклама бозорининг ривожига ва истеъмол маданиятининг юксалишида ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Реклама истеъмолчиларни ахборотлар билан етарли даражада таъминлаб, уларнинг оғирини енгил қилади. Умуман олганда, рекламанинг имкониятларидан тўғри фойдаланиб, айтилик, ижтимоий рекламага кўпроқ эътибор берилса, тарбиявий аҳамиятга эга роликлар янада кўпроқ ишлаб чиқилса, унинг болалар тарбиясидаги ижобий таъсири ҳам ошиб бориши шубҳасиз.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

БОШ МИЯ ВА ХОЛЕСТЕРИН


Инсон организмдаги холестерин моддаси миқдори қисман бош мия томонидан тартибга солиниши мумкин экан. «Нейче Нейросайнс» илмий журналида олимларнинг шу мавзуга бағишланган мақоласи чоп этилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аввал организмдаги холестерин моддаси миқдори фақат одамлар истеъмол қиладиган маҳсулотлар тури ва жигар фаолияти ўзига хосликларига боғлиқ, деган қараш шаклланганди. Сўнгги тажрибалар эса бу борада бошқа омилни ҳам эътиборга олиш зарурлигини белгилади.

Аниқланишича, очлик ҳиссини уйғотувчи грелин гормони бир пайтнинг ўзида холестеринни назорат қилиш вазифасига ҳам эга экан. Шу ўринда айтиб ўтиш зарурки, организмда ушбу модданинг меъёрдан ортиб кетиши қон томирларида «тиқин»ларни пайдо қилиб, юрак-қон томирлари касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Тадқиқотларда организмда грелин гормонининг ошиб бориши қонда холестерин моддаси ишлаб чиқилишига туртки бўлгани кузатилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, олимлар бундай ҳолат кузатилганида бош миядан танада сақланаётган холестерин моддасини «чиқариш» тўғрисида жигарга «буйруқ» боради, деган тўхтамга келишган. Мутахассислар олинган натижалар ҳозир кўп кузатилаётган организмда холестерин моддасининг ошиб кетиш муаммосига янгича ёндашиш имконини берганини таъкидлашмоқда.

— Узоқ пайт давомида холестерин миқдорини фақат парҳез ва жигар секрецияси (организм ҳаётий фаолияти учун зарур моддаларнинг ҳужайралар томонидан ишлаб чиқилиши) орқали назорат қилиш мумкин, деган фикрда эдик. Эндиликда эса тажриба натижалари янги турдаги дори-дармонларни ишлаб чиқиш учун асос вазифасини ўташи шубҳасиз, — деди бу борада тадқиқотчи Матиас Шозэб.



ТЕХНИКА СОҲАСИДА МИНГЙИЛЛИК МУКОФОТИ

Техника соҳасида мингйилликнинг мукофоти Финляндия Техника Академияси томонидан 6 йил олдин таъсис этилган бўлиб, у ҳар икки йилда ўз соҳибларини топади. Бу гал швейцариялик кашфиётчи олим, шу кунларда кенг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилаётган рангли, сезувчан Куёш батареялари ихтирочиси Михаэль Гретцель техника йўналишидаги мукофотга лойиқ топилди. Бу ҳақида «CyberSecurity» маълум қилди.

Умуман олганда, инсоният олдида турган бугунги долзарб масалалардан бири — тобора камайиб бораётган энергия манбаларининг ўриндошини топишдир. Бунда энг мақбул йўл Куёш нури энергиясидан фойдаланиш саналади. Гарчи бу турдаги энергияни электр токига айлантирувчи батареялар ўтган асрнинг 50-йиллариданоқ орбитадаги йўлдошлар ва бошқа турдаги самовий аппаратларда фойдаланила бошланганига қарамай, Куёш қувватини имкон қадар самарали қўллашнинг фойдали, зиён келтирмайдиган усули топилганича йўқ. Қолаверса, ушбу технологиялар баҳоси ҳозирча аҳолининг катта қисми учун қимматлик қилади.

Михаэль Гретцель асли Германиянинг Дорфхемниц шаҳрида туғилган ва ҳозир Лозанна Федерал политехника олий ўқув даргоҳининг фотоника лабораторияси раҳбари. Олим рангли, сезувчан Куёш батареяларини яратиш йўлидаги илк уришларни ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ бошлаб юборган, амалий тажрибалар эса 1988 йилдан йўлга қўйилган. 1991 йилга келиб «Нейчэ» илмий нашрида унинг янги технологияларга бағишланган оламшумул илмий иши чоп этилди. Шунга қарамай, Куёш батареялари фақатгина ўтган йилдан кенг ишлаб чиқарила бошланди.




Таъкидлаш керакки, Михаэль Гретцелнинг ихтироси фотоэлектрон технологияларнинг учинчи авлоди ҳисобланади. У ишлаб чиққан «сунъий фотосинтез» усули ҳозир кенг қўлланиладиган стандарт кремний батареяси ўрнини муносиб боса оладиган қувват манбаларини яратиш имконини беради. Эътиборлиси, бунда арзон хомашё талаб этилади ва ишлаб чиқариш учун мураккаб ёки қимматбаҳо жихозларга зарурат туғилмайди.

АСТЕРОИДНИ ЎРГАНИШ «КАЛИТИ»

Астероидларни ўрганиш устида иш олиб бораётган япониялик олимлар йirik муваффақиятга эришди. Аниқроғи, улар Ерга яқин жойлашган кичик ҳажмдаги Итокава астероиди тупроғи намуналари борлиги таъкидланаётган капсулани қўлга киритишган. АП берган маълумотларга қараганда, самовий капсула Австралия жанубидаги Вумер тажриба майдонига тушган. Таъкидлаш жоизки, аслида бу ускуна астероид тупроғидан намуна олиш мақсадида Япония аэрокосмик тадқиқотлари агентлиги томонидан 2003 йили самога чиқарилган «Хаябуса» зондининг бир қисми эди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бу самовий аппарат Ер ва Марс орбиталари ўртасида жойлашган Итокава астероидига 2005 йилда етиб борган. Кейинчалик бир неча марта самовий жисмини айланиб ўтган, уни суратга олган ва тупроқ намуналарини олиш учун икки марта астероид юзасига қўнган.

Шунга қарамай, айрим мутахассислар тупроқ намуналарининг олинганига бироз шубҳа қилишмоқда. Агар зонд астероид тупроғини олишни муваффақиятли бажарган бўлса, у Ерга бошқа самовий жисмлардан намуна олиб келган тўртинчи ускуна саналади. Илгари Ойга учган «Апполон», Куёш шамоли зарраларини олиб келган «Женезис» ҳамда «Вильда-2» кометаси тупроғини олиб келган «Стардаст» зондлари бундай вазифани бажаришининг урдасидан чиққани маълум.



«ГЛОБАЛ ТАРМОҚ» НИМАНИ ЎРГАТАДИ?

Мутахассисларнинг фикрича, соатлаб интернетда «сайр этиш» инсоннинг иш услубидагина акс этиб қолмайди. «Индепендент» нашрининг хабар беришича, бундай фаолият фикрлаш ва юриш-туришга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Эътиборли томони шундаки, қатор неврологлар фикрича, ҳозир интернетда ишлашга нисбатан у даражада ҳам ижобий бўлмаган қарашлар шаклланган бўлса-да, гоҳида бу машғулот инсонларда ижобий ўзгаришларга олиб келар экан.

Калифорния университети профессори Гэри Смолл мавзуга бағишланган «Интернет тафаккур: бугунги фикрлашга таъсир кўрсатадиган технологик ўзгаришлардан қандай ўтиш зарур?» китобини чоп этди. Муаллиф бу асарида янги технологияларнинг инсон мияси ва яшаш тарзига таъсири ҳақида кенг мушоҳада юритган.

Тадқиқотчининг аниқлашича, ҳар куни «жаҳон тўри»да ахборот излашдек такрорланувчи ҳаракатлар мияда нейронларнинг кўпайиши ва ўзаро алоқасига ижобий таъсир кўрсатиб, фикрлаш ҳолати яхшиланишига сабаб бўлар экан. Айни пайтда интернет оламига ўта даражада ружу қўйиш ҳам ярамайди: бу хотира сусайиши, диққатнинг бузилиши, депрессия ва ортиқча хавотирланишга олиб келиши мумкин.

— Бугун интернетдан умуман фойдаланмаслик ҳам тўғри эмас, — дейди бу борада профессор Смолл. — Чунки изланишлар кунига ҳеч бўлмаса ярим соат тармоқ билан ишлаш, ҳаттоки, 55—60 ёшли инсонларда ҳам ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш кўникмаларини ўстириши, мия функцияларини яхшилашини кўрсатди.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**2010-2011 ЎҚУВ ЙИЛИ АБИТУРИЕНТЛАРИНИ
16-17-18 ИЮНЬ КУНЛАРИ
“ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ”ГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

9:00-16:00гача давом этадиган тадбирда институтда мавжуд бўлган барча йўналишлар ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй

Телефонлар: 244-18-78, 241-14-52

www.tasi.uz

E-mail: tasi_info@edu.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
2010—2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ
ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ УЧУН РЕЙТИНГ
ДАФТАРЧАЛАРИНИ ХАРИД ЭТИШ БЎЙИЧА
ҚАЙТА ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази 2010—2011 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун рейтинг дафтарчаларини тендер савдолари (кейинги ўринларда – Тендер) ўтказиш орқали харид этади.

Тендер рейтинг дафтарчаларини арзон ва сифатли ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари — мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очиқ кўринишда ўтказилади.

Куйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун кўйилмайди:

қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик жараёнида бўлган; малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

илгари Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;

Тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган; лотлар (маҳсулотлар) бўйича ўз ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлмаган;

тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича Тендер талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.

Малакали танловни ўтказиш Тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги санасидан бошлаб 5 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи орган ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хом ашё ва материалларнинг захиралари ва бошқаларни шахсан ўрганиш ҳуқуқига эга.

Талабгорлар Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказидан кўшимча маълумот олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг охириги кунига қадар ҳар куни (шанба ва яшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9:00дан 18:00гача куйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармасига

Манзил: Тошкент шаҳри, Чимбой кўчаси, 96-уй.

Телефон: (+998 71) 246-27-11, 246-14-87, 246-14-91.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг куйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 300 000 (уч юз минг) сўм миқдоридида қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан

Тендер ҳужжатлари олинади:

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази

№:4999102628095002890002, СТИР: 202515618

Ўзбекистон Республикаси МВ Фазначилиги ХККМ Марказий банк

Бош бошқармаси Тошкент шаҳар

Х/Р 23402000400100001006 СТИР: 201122919

МФО: 00014

2010 йил 29 майда эълон бериб, тендерда иштирок этган талабгорлар бундан мустасно.

Тендер таклифи умумий қийматининг 2 фоиздан кам бўлмаган миқдоридидаги закат билан кафолатланиши шарт. Закат суммаси ҳар бир лотлар (маҳсулотлар) учун алоҳида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг юқоридаги махсус рақамига ўтказилиши керак.

Тендер таклифлари 2010 йил 28 июнь соат 12:00га қадар Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармасига топширилиши шарт.



ОҚИБАТ МАЛҲАМИ

Андижон туманидаги Оқёр қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Пистамозор маҳалласида яшайдиган 1-гурӯх ногирони Гавҳарой Зухриддинова тумандаги 17-умум-таълим мактабнинг уйда таълим оладиган ўқувчиси ҳисобланади. Қизчанинг барча фанларни тез ва осон ўзлаштириши устозларни ҳайратга солади. Унда расм чизишга ва адабиётга қизиқиш кучли.

Ўқитувчилар ва мактаб директори Расулжон Битбековнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Бобуржон Зияевнинг ёрдами билан яқинда Гавҳаройга ногиронлар аравачаси тақдим этилди.

Ҳомийлар бу қизчанинг иқтидори ва дарсларни яхши ўзлаштиришини кўриб, келгусида унга компьютер совға қилишни дилларига тутиб қўйишди. Қизчанинг ота-онаси бу мурувватдан бошлари кўкка етиб, мактаб маъмурияти ва ҳомийларга миннатдорлик билдирди.

Дарвоқе, 5-“А”-синф ўқувчилари Одинахон Шамсутдинова бошчилигида янги йил байрамни Гавҳаройлар хонадонидан нишонлаганлари ҳали-ҳануз ширин хотира сифатида мактаб жамоаси томонидан эслаб турилади. Қизчанинг ўша пайтлардаги қувончини тасаввур қилиш қийин эмас.

О.СИДДИҚОВ

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Вакант ўринларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Маънавият ва ҳуқуқ» кафедраси

1. Кафедра мудири (илмий даражали) — 1 ўрин
2. Профессор (илмий даражали) — 0,5 ставка (ўриндош)

«Информатика ва информацион технологиялар» кафедраси

1. Кафедра мудири (илмий даражали) — 1 ўрин
2. Профессор (илмий даражали) — 1 ўрин, 0,5 ўрин (ўриндош)
3. Доцент (илмий даражали) — 1 ўрин
4. Катта ўқитувчи (илмий даражали) — 1 ўрин

«Амалий касбий таълим» кафедраси

1. Доцент (илмий даражали) — 1 ўрин
2. Катта ўқитувчи (илмий даражали) — 0,75 ставка

«Педагогик технологиялар» кафедраси

1. Кафедра мудири (илмий даражали) — 1 ўрин
2. Катта ўқитувчи (илмий даражали) — 1 ўрин

«Психология ва социология» кафедраси

1. Кафедра мудири (илмий даражали) — 1 ўрин

«Таълимда менежмент» кафедраси

1. Кафедра мудири (илмий даражали) — 1 ўрин
2. Доцент (илмий даражали) — 1 ўрин

ТАНЛОВГА ҚАТНАШИШ УЧУН КУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ

1. Ректор номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Илмий ишлари рўйхати;
5. 2 дона расм.

ТАНЛОВ МУДДАТИ ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ 1 ОЙ.

МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ, САИДОВ КЎЧАСИ, 76-УЙ. КАДРЛАР БЎЛИМИ.

ТЕЛ.: 246-90-49

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим мактаблари 9-синф ўқувчиларининг 3-босқич (худудий) фан олимпиадаси голиблари учун Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси ҳисобига берилган № 01357, № 01382, № 01421-сонли гувоҳномалар йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўтган ой юртимизда мамлакат ва халқаро миқёсдаги спорт тадбирларига бой бўлгани билан мухлислар қалбида узоқ вақт сақланса, ажабмас. Хусусан, 28—30 май кунлари Андижон вилоятида мамлакатимиз талабаларининг ёшлик ва спорт байрами — «Универсиада» мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу бахслар йигит-қизларни бирлаштирувчи, дўстлаштирувчи тадбир бўлиш баробарида уларнинг аксариятини профессионал спортга йўналтирувчи омил бўлаётгани билан ҳам улкан аҳамиятга эга. Мазкур мусобақаларда профессионал спортчилар ҳам иштирок этганини инобатга оладиган бўлсак, бу бахслар улар учун қитъа ва халқаро миқёсдаги чемпионат ва турнирларга ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтаб берди.

«Universiada — 2010» chempioni

киритган. Ва унинг бу ютуғи шу кунгача эришган барча зафарларининг дебочаси сифатида қадрлидир.

Хар бир байрам, ҳар бир яхши кун сайилларсиз, курашларсиз ўтмайдиган Паркент — азалдан полвонлар юрти.

Искандар болалигидан Паркентда ўтказилган сайилларда довруғи во-

рабийим Шавкат Мирзақулловнинг ҳам зафаридир, — дейди суҳбатимиз ниҳоясида «Универсиада-2010» чемпиони. — Яна бир гап: белбоғли кураш бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатини иккиланмай жаҳон чемпионатига қийёслаш мумкин. Чунки уч бўғинли спорт мусобақаларимиз Ўзбекистон

ПАРКЕНТЛИК ПОЛВОННИНГ ПАРВОЗИ

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти белбоғли кураш факультетининг 3-курс талабаси Искандар Маҳаматов «Универсиада» мусобақаларига қадар халқаро майдонда ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилишга муваффақ бўлган. У 1987 йили Тошкент вилояти Паркент туманида туғилган. Искандар умумий ўрта таълимини тумандаги 10-мактабда олган бўлса, ўрта махсус, касб-хунар таълимини Тошкент шаҳридаги Республика олимпия захиралари коллежида давом эт-

тирди. Айна пайтда эса у институт талабаси.

Оилада олти фарзанднинг кенжаси бўлган спортчи шу кунга қадар белбоғли кураш бўйича ўз вазн тоифасида 3 марта Ўзбекистон чемпиони, 5 марта совриндор бўлишга эришгани, халқаро турнирда ғолиблар сафидан ўрин олишга муваффақ бўлганини юртимиздаги спортга бўлган катта эътибор натижаси сифатида баҳолайди. Хусусан, 2005 йили Тошкент вилоятида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида 77 кг. вазн тоифасида 1-ўринни қўлга

ҳани тутган полвонларнинг курашларини кўриб улғайди.

2009 йили Африканинг Того давлатида ўтказилган жаҳон чемпионатининг бронза медални совриндори Искандар Маҳаматов Андижонда ўтказилган «Универсиада» мусобақаларининг белбоғли кураш баҳсларида 81 кг. вазн тоифасида барча рақибларидан устун келиб, Тошкент шаҳри йигит-қизларининг умумжамоа ҳисобида 1-ўринни қўлга киритишига ўз олтин медални билан муносиб ҳисса қўшди.

— Бу ютуқларим му-

чемпионатидай ўтса, мамлакат чемпионатимиз халқаро миқёсдаги мусобақалар даражасида ўтади. Шу боис ҳам МДХ мамлакатлари полвонлари халқаро мусобақаларга қуръа ташлаш пайтида Ўзбекистон спортчиларига рўбару келишдан ҳайқишади. Олдинда ҳали режаларимиз кўп, кейинги мусобақаларга пухта тайёргарлик кўришни бошлаб юборганмиз.

Биз ҳам Искандар полвоннинг келгуси фаолиятига омад тилаймиз.

Шерали НИШОНОВ

ҚАЙНОҚ ФУТБОЛ ҲАРОРАТИ

11 июнь! Жанубий Африка Республикаси. «Соккер Сити» ўйингоҳи. Мезбонлар — ЖАР ва Лотин Америкасидан ташриф буюрган жамоа — Мексика матчи («А» гуруҳи вакиллари) билан сизу биз ҳаяжон ва ўзгача қизиқиш билан кутган футбол бўйича жаҳон чемпионати старт олди.

Равшан Эрматов билан ўтган йилнинг декабрь ойида суҳбатлашгандик. Ушанда у хотиржамлик билан: «Агар ФИФА мени ЖАРда ўтказиладиган жаҳон чемпионати ўйинларини бошқариб боришга лойиқ деб топса, албатта, бахтиёр бўлардим ва буни одатий ҳолдек қабул қилишга ҳаракат қиламан», деганди.

Чиндан ҳам юртдошимизнинг майдонда масъулиятли матчни бошқариб бориши, унинг ортида бутун Осиё ва жонажон Ўзбекистонимиз турганини биз ҳам чуқур ҳис қилдик.

Жаҳон чемпионати бахсларини кўзатиш мухлислар учун ўзига хос байрамдек ўтади. Айнақса, ватандошимиз шу mundialга боғлиқ бўлса, қизиқишимиз бир неча баробар ортиб кетаркан. Р.Эрматов ўйинни бошқаргач, дунёнинг кўплаб машҳур ОАВлари мазкур учрашув ҳақида кўплаб материалларни эълон қилди. Хусусан, нуфузли инглиз нашрларидан бири

«Таймс» газетасида шундай дейилган: «Ушбу ўйинга Ўзбекистонлик ҳакамнинг тайинланиши мунозараларга сабаб бўлди. Тахминлардан бирига кўра, Эрматов ЖАРга ёрдам бериш учун тайинланган эмиш. Ҳа, баъзан шунқасини ҳам эшитишимизга тўғри келади. Бироқ Эрматов барча шубҳаларни ўзининг қатъий қарорлари билан йўққа чиқарди».

Қисқача айтганда, ўзбек футбол ҳаками Равшан Эрматов халқаро майдонда тан олинди, эътироф этилмоқда, кўзга тушиб, кўпчиликда ҳавас уйғотмоқда.

Жаҳон чемпионати матчлари аста-секин ўзининг қизгин палласига кириб бормоқда. ЖАРда ўтаётган mundial бошқаларидан жуда кўплаб жиҳатлари билан ажралиб турибди. Хар бир ўйинда ихлосмандлар бунинг яққол гувоҳи бўлмоқда. Айнақса, стадионларнинг маҳаллий аҳоли томонидан тинимсиз

JCH — 2010

равишда чалинаётган сурнайлар туфайли ўзига хос «ари уяси»га айланиши ва мухлисларнинг қий-қириқларини ютиб юборишига кўникиб ҳам қолдик.

Шу вақтга қадар mundialга келган 32 жамоанинг ҳаммаси ҳам ўз гуруҳларидаги 1-тур матчларини ўтказишга улгуришмади. Жаҳон чемпионлигини қўлга киритишга асосий даъвогар сифатида баҳоланаётган Испания терма жамоаси бугун Швейцария футболчиларига қарши майдонга тушса, Гондурас миллий терма жамоаси чиликларни синовга чорлайди. Шунингдек, мезбонлар Уругвайга қарши «А» гуруҳидаги 2-учрашувини ўтказди.

Шу кунга қадар қайд этилган натижалар билан қуйида танишинг: ЖАР — Мексика 1:1, Уругвай — Франция 0:0, Ж.Корея — Греция 2:0, Аргентина — Нигерия 1:0, Англия — АҚШ 1:1, Жазоир — Словения 0:1, Сербия — Гана 0:1, Германия — Австралия 4:0, Голландия — Дания 2:0, Япония — Камерун 1:0, Италия — Парагвай 1:1, Я.Зеландия — Словения 1:1, Кот-д'Ивуар — Португалия 0:0.

Қайноқ футбол ҳароратини туйиб, мириқиб футбол томоша қилаётган кўп сонли юртдошларимиз аллақачон бўлажак чемпионлар ҳақида тахминлар қилган. Кимлардир 1-тур учрашувларини томоша қилиб, Англия ва Италиянинг ўйинидан ҳайратга тушган бўлиши ҳам мумкин. Бу — шунчаки бошланishi. Ҳақиқий курашлар, мурасиш жанглари, мана, энди бошланади.

Зоҳиджон ХОЛОВ



ФЕДЕРАЕР ХАМ ОДАМ

Швейцариялик теннисчи Роже Федерер Галл шахрида кечайтган турнирнинг финалида мағлубиятга учради ва у бундан сира ҳам тушқуликка тушмаётганини таъкидлади. Яшанба куни ўтказилган матчда 3:6, 7:6 (7:4), 6:4 ҳисоби билан 29 ёшли Хьюитт галаба қозонганди.

Матчдан сўнг швейцариялик спортчи финал босқичи унинг учун унчалик ҳам оғир кечмагани ва олган кичик жароҳати хавотирга солмаслигини айтди.



Дунёнинг иккинчи ракеткачиси турнирни шундай руҳда ўтказганидан мамнунлигини билдирди: «Мазкур турнирни зудлик билан унутиб, Уимблдон турнирида муносиб қатнашиш учун тайёргарлик кўришим керак», — деди у. Хьюитт эса ўз галабасини «фантастика» дея баҳолади.

— Роже тажрибали теннисчи ва ҳақиқий чемпион. Унга қарши ўтказилган ҳар бир матчда қолганлар аутсайдер сифатида тилга олинади, — деди Хьюитт. — Бироқ унинг ҳам ҳамма сингари инсонлигини унутмаслик лозим.

КАНАДАДА «ТЕЗЛИК» КЎРИГИ

Британиялик пойгачи Льюис Хэмилтон Канадада ўтказиладиган «Формула-1» Гран-при мусобақасининг саккизинчи босқичида дастлабки галабасини нишонлади. Хэмилтон 1 дақиқаю 15,105 сониялик кўрсаткич билан поул-позишда юқори натижага эришди.

Британиялик пойгачи «Ред Булл» вакиллари ортида қолдирди.



Марк Эббер 0,268 сония, Себастьян Феттел эса 0,315 сония билан 2008 йилги жаҳон чемпионига имкониятни бой берди. Чемпионат етакчилари Уэббер ва Феттель Хэмилтондан фарқли равишда машина шиаларини алмаштирмай туриб марра чизигини кесиб

Ўтди. Фернандо Алонсо («Феррари») тўртинчи, Жонсон Баттон («Макларен») бешинчи, Витантонио Льюцци («Форс Индия») эса кутилмаганда олтинчи ўринни эгаллади.

Эслатиб ўтамиз, Канадада ўтказилган Гран-при мусобақасига яшанба куни старт берилди.

«БАРСА»НИНГ 39-ПРЕЗИДЕНТИ

Испаниянинг «Барселона» футбол клуби президенти Жоан Лапорта ўз ўринини муносиб издоши Сандро Росселга бўшатиб берди. Бу, табиийки, қонуний тарзда — овоз бериш йўли билан аниқланди.

Маълумки, «Барса»нинг ажойиб ютуқларга эришишида, жамоа таркибига Рональдиньо, Тьерри Анри, Элатан Иброҳимович ва яқиндагина «Валенсия» клубидан келиб қўшилган Давид Вилья сингари дунёнинг энг кучли футболчиларидан иборат бригадани шакллантиришда Лапортанинг хизматлари катта. У икки маротаба клуб президенти этиб сайланганди. Клуб ички тартиб-қоидаларига кўра, у учинчи марта ўз номзодини илгари суролмади. 13 июнь куни ўтказилган сайловда Россел 61 фоиз овоз тўплаб, бу борада клуб тарихидаги энг яхши натижага эришган президент бўлди. Россел 2003—2005 йилларда клубнинг вице-президенти эди, лекин Лапорта билан келишолмай, истеъфога чиқиб кетганди.

КУЧЛИЛАР МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Таркибда ажойиб баскетболчиларни тўплаган «Бостон» жамоаси кутилмаганда жуда номдор рақибларидан бири «Лейкерс» устидан зафар кучди, дея хабар тарқатди «Рейтер» ахборот агентлиги.

Миллий баскетбол ассоциацияси плей-оффининг олтинчи финал учрашувини ўз уйида ўтказган бостонликлар рақибларини 92:86 ҳисобида доғда қолдирди. Энг ажабланарлиси, «Лейкерс» клуби узоқ вақт мезбонлардан устунлигини намойиш этишга муваффақ бўлди, ammo воқеалар ривожига кўра, машҳур баскетболчи Коби Брайант жамоаси мағлубиятини тан олишга мажбур бўлди. Ҳатто Кобининг 38 очкоси (ўйиндаги энг яхши кўрсаткич) ҳам сафдошлари жонига ора кирмади. Ғолиблардан Пол Пирс 27 очко жамгарди.



Шаҳина НАЗРУЛЛАЕВА тайёрлади.



YUNUSOBOD TUMANI 235-MAKTAB QOSHIDAGI "G'UNCHA" NOMLI YOZGI SOG'LOMLASHTIRISH OROMGOHI

ТАЪТИЛДА ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

Ёзнинг иссиқ кунларини оромгоҳда ўтказиш қандай мароқли. Турли тўғарақларда иштирок этиш, янги дўстлар орттириш ва ҳаттоки эрта-лабки бадантарбиянинг ҳам завқи ўзгача. Агар оромгоҳ мактаб қошида ташкил этилган бўлса, ундан ҳам яхши.

Юнусобод туманидаги 235-мактаб-

да ташкил этилган «Гунча» ёзги оромгоҳ болаларнинг истеъдоди ва қобилиятини юзага чиқариш, уларни табиат ва гузалликка ошно қилиш учун хизмат қилаётган масканлардан бири. 155 нафар ўқувчи бу ерда ҳордиқ чиқариши, тенгдошлари билан мулоқотда бўлиши ва жуда кўп билимларни эгаллаши мумкин.


— Ҳар куни эрта тонгдан мактаб майдончасида тўпланган болалар гуруҳларга бўлиниб, турли мусобақаларда иштирок этади. Оромгоҳда ташкил этилаётган тўғарақларнинг фойдали жиҳати шундаки, табиат бағрида, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги дўстона муносабатларга асосланган дарслар боланда катта таассурот қолдиради. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг доимий мулоқоти улар орасидаги меҳр, ишонч каби туйғуларнинг мустаҳкамланишига сабаб бўлади. Мусобақалар эса болаларни биргаликда ҳаракат қилиш, ўз имкониятларини тўла намоён этиш, мустақил қарор қабул қилишга ўргатади, — дейди инглиз тили тўғарағи раҳбари М.Ҳакимова.

«Моҳир қўллар», «Тарона», «Ёш расом», «Кино» ва «Спорт мактаби» сингари ўндан ортиқ тўғарақ раҳбарлари

болаларнинг таътил кунлари мазмунли ва қизиқарли ўтиши учун масъул. Қуварнараси, кутубхоналар ўқувчилар билан доимо гавжум. У ерда болалар ўзбек ва чет эл адабиёти билан танишиши, дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиши мумкин.

В.ҚАРШИБОВЕВА

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва fan xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bo'sh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Xurshid DO'STMUHAMMEDOV,
Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,
Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari,
"Учитель Узбекистана"), Aleksey
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Уз-
бекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-522.
Tiraj 40189.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Rayhona XO'JAYEVA.
Navbatchi:
Dilshod KARIMOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fax,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
UzA yuqum — 21.00